


O'ZBEKISTON TARIXI




4
2003

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI

ТАРИХ САУДИЧИТИН НИМЕИ НА ГОДДИЙ МАГИСТРИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарихи
нименин номи таъсирини оиди. Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси тарихи таъсирини оиди. Ўзбекистон
Республикаси Фанлар академияси тарихи таъсирини оиди.

O'ZBEKISTON TARIXI



*Jurnalga 1998 yil iyulda asos solindi
Bir yilda to'rt marta chiqadi*

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Тарих
институтининг 60 йиллигига багишланади

4
2003

Toshkent
O'zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi
«Fan» nashriyoti

Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА (*бош муҳаррир*), Азамат ЗИЁ, Шоира АСАДОВА (*масъул котиб*), Омонулла БҮРИЕВ, Валерия ГЕНТИШКЕ, Доно ЗИЁЕВА, Нематилла ИБРОХИМОВ, Зоҳиджон ИСЛОМОВ, Ўткир ИСЛОМОВ, Мирсадик ИСҲОҚОВ, Элёр КАРИМОВ, Розия МУКМИНОВА, Эдвард РТВЕЛАДЗЕ, Рустам СУЛАЙМОНОВ (*бош муҳаррир ўринбосари*), Темур ШИРИНОВ, Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Фарҳод ҚОСИМОВ, Асомиддин ЎРИНБОЕВ.

Манзилимиз:

700170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-йй.
Телефонлар: 133-47-12; 162-38-73

ТАРИХ ФАНИНИНГ ИЛМИЙ ВА ФОЯВИЙ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан бир вақтда унинг таркибидағи Тарих институтининг ташкил этилганига ҳам 60 йил тўлди. Бу тарих олдида қисқа бир муддат бўлишига қарамай, туб ўзгаришлар содир бўлганлиги жиҳатидан бутун бир даврга тенг: бир тузум иккинчиси билан алмашди ва шунчаки алмашиб қолмади - қадимий цивилизация илдизларига эга бўлган, бой ва бебаҳо маданият яратган мамлакат мустақилликка эришди, жаҳон ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида кириб, ўзининг ўзига хос тараққиёт йўлини танлади.

Мустақилликнинг 12 йили давомида барча соҳаларда, шу жумладан, фанда ва унинг етакчи йўналишларидан бири бўлган тарих фанида ҳам катта ва туб ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар ва ютуқлар биринчи навбатда бутун 60 йил давомида тарих фанининг байроқдори бўлиб келган ЎзРФА Тарих институти фаолияти билан боғлиқ. Бу маşaқатли йўлда тарихчиларнинг ўзлари ҳам, уларнинг илмий тадқиқотлари ҳам совет ҳукумати мафкурачиларининг тазиқларини бошдан кечиришларига тўғри келди. Бу ўринда Амир Темурнинг тарихда тутган ўрнини холис баҳолаш ва уни буюк саркарда ҳамда давлат арбоби сифатида кўрсатишга урингани учун таниқли олим, академик Иброҳим Мўминовнинг кучли тазиқларга дучор бўлганлиги яққол мисол бўла олади. Шунга қарамай, айни шу даврда тарих фанида, айниқса қадимги ва ўрта асрлар тарихи ҳамда археологияда катта ютуқлар қўлга киритилди.

Институт олимлари томонидан Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти билан боғлиқ илгари маълум бўлмаган ва ўқилмаган жуда катта миқдордаги қўлэзмалар илмий муомалага киритилди, археология соҳасида Ўзбекистон заминида энг қадимги маданият автохтон тарзда тараққий этгани ва у ривожланган цивилизациянинг маҳсулни эканлигини кўрсатишга имкон берадиган муҳим қашфиётлар амалга оширилди. Бунда Ўзбекистонда археология ва умуман тарих фанининг шаклланишига раҳбарлик қилган академик Яҳё Фуломовнинг ҳиссаси бекиёс. Бугина эмас. Унинг қатъияти, ҳар қандай вазиятда ҳам ўз-ўзига ва фанга содик қолишига қодирлиги туфайли кўплаб археологик, тарихий ёдгорликлар ҳамда объектлар сақлаб қолинди.

Ўтган йиллар мобайнида Тарих институти ўзбек ҳалқи этнографиясини ўрганиш марказига айланди. Бу ишга М.С.Андреев, О.А.Сухареп-

ва, К.Ш. Шониёзов каби таниқли олимлар ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Мазкур даргоҳда фаолият кўрсатаётган уларнинг шоғирдлари ўз устозларини ҳали-ҳануз алоҳида ҳаяжон билан эсга оладилар. Айнан шу йилларда ўзбекларнинг оиласи ва турмуш тарзи, касб-хунари, урф-одатларини ўрганиш бошланди. Албатта, бу соҳа ҳам коммунистик-атеистик қолиллар доирасидан ташқарига чиқолмади. Бундай қийинчилкларга қарамай, тарихимизнинг мустамлака ва совет даврини тадқиқ этишда муайян ютуқларга эришилди. Бу борада номлари Ўзбекистондан ташқарида ҳам машҳур бўлган X.З.Зиёев ва Р.Ҳ.Аминова каби олимларнинг хизматлари катта бўлди.

ЎзР ФА Тарих институти кадрлар тайёрлаш бўйича Ўрта Осиёда ҳамиша биринчи ўринни эгаллаб келганилигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Тарих фанининг кўплаб йўналишлари бошқа республикаларда ривожланмаган эди, шунинг учун институт етакчи олимларининг шоғирдлари орасида қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва бошқа миллат тарихчилари ҳам бўлиб, улар ҳозирда ўз мамлакатларининг фан соҳасида қизғин фаолият кўрсатмоқдалар.

Бу, хусусан, Б.В.Лунин раҳбарлик қилган тарихнавислик йўналиши (институтда Ўрта Осиёда ягона бўлган тарихнавислик ва манбашунослик бўлими фаолият кўрсатарди)га тегишли. У биобиблиография ва тарихнависликка оид кўплаб тадқиқотлар муаллифи.

Қайта қуриш давридаги ўзгаришлар таъсирида 80-йилларнинг охиридан бошлаб институтнинг кадрлар таркиби сезиларли даражада ёшарди, тарихий социология каби янги йўналишлар очилди ва умуман тарих фанида кўплаб конференция, симпозиумларда яққол намоён бўлган шиддатли янгиланиш юз берди.

Худди шу даврдан бошлаб тарихнинг кўплаб жиҳатлари қайта кўриб чиқила бошланди, энди уларга ҳеч қандай ақидалар тўсқинлик қилмасди. «Босмачилик»ка – миллий-озодлик ҳаракати, «Октябрь инқиlobи»га – Туркистонга экспорт қилинган тўнтариш, совет даврида буржуазия ҳаракати сифатида талқин қилинган жадидчиликка – миллий-тараққий-парварлик ҳаракати, «Туркистон мухторияти»га – илк миллий давлатчилик қурилиши сифатида баҳо берилиши эски мафкурачилар учун кутилмаган зарба, кўпчилик учун эса чинакам кашфиёт бўлди. Истиқтолгача бўлган йиллардаги бу барча кашфиётлар жўшқин илмий хусусиятга эга бўлганлиги, асосли ва қатъий илмий хуносалар ўрнини баъзида эҳтиросларга йўғрилган субъектив қарашлар эгаллагани тамомила тушинарли, Лекин айнан ўшанда институтнинг ўша вақтдаги директори Р.Ё.Ражабова раҳбарлигига бўлғуси қайта қуришнинг асослари кўйил-

ди ҳамда унинг саъй-ҳаракати ва топган йўли туфайли Ўзбекистоннинг тарих фани сохталаштириш йўлидан илмий холислик йўлига ўтди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари ривожланиш нуқтаи назаридан тарих фани учун бирмунча оғир кечди. Мустақил давлат қурилишида у чинакамига асос ва таянч бўла олмади. Бунинг сабаби тарихчилар ўртасида фикрлар муштарақлиги ва ҳақиқий бирликнинг йўқлигига эди. Ёндашувларнинг турли-туманлиги, фикрлар тарқоқлиги, тарихий хусусият, яъни қўлга киритилган мустақилликни тарихан асослай олмаслик, эскича иш тартиби, кекса ва ёш кадрлар ўргасидаги зиддият – буларнинг барчаси нафақат замон талабига жавоб бермас, айни пайтда, умуман тарих фани ривожини тўхтатиб қўйган эди. Худди шу вазијатда 1998 йилнинг июнь ойида мамлакат Президенти И.А.Каримов бир гуруҳ етакчи тарихчи олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Ушбу учрашувда Президент томонидан тарихчилар олдига катта ва асосий вазифалар қўйилди: Ўзбекистон тарихини ўрганишнинг концепцияси қандай бўлиши керак? Ўзбек ҳалқининг келиб чиқиши ва давлатчилиги тарихини қандай ўрганиш керак? Замонавий тарихчининг қиёфаси қандай бўлиши керак?

Кўйилган масалаларни ҳал қилиш учун тарих фанининг методологик асосларини тубдан ўзгартириш зарур эди.

Президент суҳбатидан кейин эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» ги қарори (1998 йил 27 июль) тарих фанининг вазифаларини стратегик жиҳатдан ўзгартириш учун асос бўлди. Табиийки, мамлакат Президенти томонидан қўйилган вазифалар бир институттагина тааллуқли бўлмай, фақат унинг жамоаси кучи билан бажарилмас эди. Кейинги йилларда институт мамлакатимиздаги барча тарихчиларни ўз атрофига бирлаштириб, ҳақиқатда илмий тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи ўзига хос марказга айланди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан ўзбек ҳалқи ва унинг давлатчилиги тарихи концепцияси ишлаб чиқилди. Тарихчи ва археолог олимларнинг биргаликдаги меҳнати маҳсулни бўлмиш Ўзбекистон давлатчилиги тарихига бағишлиланган ўзбек ва рус тилларидаги илк китоб бу йўналишдаги ишларнинг натижаси бўлди. Бу йўналишдаги илк қадамлар мазкур мавзунинг совет даврида тақиқлангани ва ўрганилмагани туфайли муайян қийинчиликлар билан бирга кечди. Аслида Ўзбекистон тарихининг қўшлаб масалаларини янгича нуқтаи назар – миллий мустақиллик нуқтаи назаридан қайтадан ўрганишга тўғри келди.

Институт тўғрисидаги юқорида зикр этилган қарор 11 банддан иборат бўлиб, институт тузилмасини ўзгаририш ва уни замонавий техника билан таъминлашдан тортиб халқаро алоқаларни йўлга қўйишгача бўлган барча масалаларни ўз ичига олган эди. Ўзбекистон ҳукумати моддий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатди – бу меҳнат шароитини яхшилаш, институтни тўлиқ жиҳозлаш ва компьютерлаштириш имконини берди.

Бугунги кунда Тарих институти ҳақиқатда ҳам тарих фанини мувофиқлаштирувчи ва тарихчи олимларнинг унинг ривожига йўналтирилган интилишларини бирлаштирувчи тарихий тадқиқотларнинг ўзига хос марказига айланди. Кейинги беш йил ичida 26 тадан ортиқ монография, 25 та рисола, 5 та илмий тўплам, 11 та дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этилди. Тарихга мутлақо янгича методологик ёндашувлар билан алоҳида ажralиб турган 300 дан ортиқ мақола мамлакатдаги журналларда ва 200 га яқин мақола эса хорижий журналларда эълон қилинди. Бундан ташқари, республикада тарихий тадқиқотларни ташкил этишининг foявий илҳомлантирувчиси сифатида институт АҚШ ва Буюк британиянинг етакчи илмий марказлари билан биргаликда 4 та йирик халқаро грантнинг иштирокчисига айланиб, халқаро эътирофга сазовор бўлди. Институтда аспирантура ва стажировка (тадқиқотчилик) тизими мавжуд бўлиб, ундан чет эллик тадқиқотчилар (жумладан, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Туркия, Япония ва бошқа мамлакатлардан) ҳам фойдаланадилар.

Институтнинг халқаро алоқалари ходимларнинг тадқиқотлар олиб бориш ва Ҳиндистон, АҚШ, Германия, Франция, Австрия ва бошқа давлатларда бўлиб ўтган нуфузли халқаро конференцияларда иштирок этиш учун хорижий илмий сафарларда бўлиши тарзида ҳам давом этаяпти.

Институтнинг ташкилотчилик фаолияти халқаро конференциялар, шунингдек, мамлакатнинг барча тарихчилари фаол иштирокчилари ва эшитувчилари бўлган Яҳё Фуломов номидаги анъанавий семинарни ўтказишида намоён бўлаяпти. Бундан ташқари, институт тарихга ихтиослашган мактабларга ҳам ҳомийлик қилияпти.

60 йил ичida республика тарихчилари биринчи марта тарих фанининг долзарб мавзуларида мақолалар босиладиган ўзларининг маҳсус «Ўзбекистон тарихи» номли ўз журналига эга бўлдилар.

Институтда профессорлар Ҳ.З. Зиёев, Р.Г. Мукминова, К.О. Оқилов, тарих фанлари доктори З.Ҳ. Орифхонова каби ёши улуғ ходимлар муваффақиятли илмий иш олиб бориб, ёш тадқиқотчилар ва аспирантларга намуна бўлмоқдалар.

Институтда аъзолари республикамизнинг етакчи тарихчи олимлари бўлган Республика Мувофиқлаштирувчи Кенгаши ва докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича Бирлашган Ихтисослаштирилган кенгаш фаолият кўрсатади. Шунингдек, бу ерда ЎзМУ ва ТДПУ магистрантлари маҳсус курсларни ўтадиган ва бевосита барча илмий тадбирларда иштирок этадиган бирлашган «Ўзбекистон тарихи» кафедраси ишлаб турибди.

Институт ходимлари ўзларининг илмий фаолиятлари билан бир қаторда, тарих фанидан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаш ва нашр этиш бўйича республика комиссиясининг ишчи гуруҳи аъзолари сифатида республикада чоп қилинадиган илмий - тарихий адабиётларни тақриздан ўтказиш билан ҳам шуғулланадилар. Янгидан ташкил этилган Ўзбекистон тарихи Давлат музейи ва Шаҳидлар хотирави музейи улар foялари ва бевосита синчковлик билан қилган меҳнатларининг маҳсулидир.

Шу билан бирга, эришилган ушбу натижалар мавжуд муаммоларни пардалаб ҳам кетолмайди. Бу муаммолар биринчи навбатда кадрлар масаласига тегишли. Хусусан, қадимги ва ўрта асрлар тарихи, шунингдек, этник тарих ва этногенез бўйича мутахассисларга тааллуқли бўлганлиги учун ҳам бу мавзу ниҳоятда жиддий ҳисобланади. Афсуски, бу соҳалар бўйича мутахассислар жуда озчиликни ташкил этади. Бунинг сабабларини мустамлака ва совет даври тарихи бўйича кадрлар тайёрлаш асосий ўрин тутган совет давридан қидириш керак.

Бундай мутахассисларни олий ўқув юртларида тайёрлаш кераклигини назарда тутиб, Тарих институти тарих факультетларига эга бўлган республикадаги олий ўқув юртлари билан келгусида Ўзбекистоннинг қадимги ва ўрта асрлар тарихи бўйича тадқиқотлар олиб боришига ихтинослашадиган маҳсус магистрантларни биргаликда тайёрлаш юзасидан битимлар имзоланди. Шунингдек, этник тарих ва этногенез бўйича мутахассислар тайёрлаш масаласи ҳам ҳал қилинмоқда.

Институтнинг 60 йиллиги арафасида унинг жамоаси олдида ниҳоятда масъулиятли вазифалар турибди. Бу нафақат ўзининг жамиятдаги мавқеи ва илмий нуфузини сақлаб қолиш, айни пайтда, илмий холисликка асосланган ҳолда яхлит 7 жилдлик Ўзбекистон тарихини яратиш билан давлат томонидан билдирилган ишончни оқлаш, олтмиш йил давомида тарих фанининг фидойи намояндалари туфайли институтда қарор топган илмий анъаналарни сақлаш ва кўпайтириш орқали уни сезиларли даражада оширишдан иборат.

Профессор Дилором Алимова

Д.Алимова

НАУЧНЫЙ И ИДЕОЛОГИЧЕСКИЙ ЦЕНТР ИСТОРИЧЕСКОЙ НАУКИ

В статье приводятся материалы по итогам 60-летней деятельности Института истории АН РУз.

За этот период были сделаны важнейшие открытия в области археологии, древней и средневековой истории и этнографии. Отмечено, что, несмотря на трудности идеологического характера, были достигнуты определенные результаты и в изучении истории колониального периода.

В период независимости произошла стратегическая перестройка функций исторической науки, чему способствовали встреча Президента Республики И.А.Каримова с историками и Постановление Кабинета Министров Узбекистана «О совершенствовании деятельности Института истории АН РУз» от 27 июля 1998 г.

Выполнение этого Постановления обеспечило выход института на передовые позиции в объективном исследовании истории Узбекистана, подготовке молодых кадров, расширении международных связей.

D.Alimova

THE AKADEMIC AND IDEOLOGICAL CENTER OF HISTORICAL SCIENCE

The article resumes the results of 60-year activity of the History Institute at Uzbek Academy of Sciences.

In this period very important discoveries have been made in Archaeology, Ancient and Medieval History, and Etnodraphy. In spite of ideological difficulties, Soviet historical science also could get some achievements in the study of colonial period.

In the independent period historical science strategically has changed its functions. It became possible because of meeting of President of Uzbekistan with historians of country and special governmental decision «On the improvement of the History Institute's activity» (July 27, 1998). The realization of the decision of the decision was important for the Institute to achieve the advanced positions in the objective study of Uzbekistan's history, training praess, and establishment of international relations.

Ю.Буряков, М.Филанович

ЎЗР ФА ТАРИХ ИНСТИТУТИДА АРХЕОЛОГИЯ ФАНИ

Тарих тақозоси шундай бўлдики, Ўрта Осиё минтақасида марказий ўринни эгалловчи Ўзбекистон ҳудуди қадим замонлардан бошлаб, ўтроқ дехқончилик ва уларнинг чорвадор-кўчманчилар маданияти билан ўзаро таъсирга кириши жараёни юз берган маконга айланди. Мазкур цивилизацияларнинг моддий ёдгорликларини ўзбек тупроғи ўз бағрида сақлаб келяпти. Бироқ, Ўзбекистонда археология фани энг ёш илмий соҳалардан биридир. Шуни қайд этиш лозимки, ўлкани тадқиқ этишга оид биринчи қадамлар XIX асрнинг охиридан бошлаб қўйилган эди. Аввал бу иш билан ҳаваскор ўлкашунослар ва коллекционерлар шуғулланганлар.Faқат бир марта, 1884 йилда бу ерга марказдан археолог олим Н.И. Веселовский бошчилигидаги археология ҳайъати юборилган эди. Аммо бу ҳайъат Осиёнинг хом ғиштлардан барпо этилган мурракаб иншоотларида қазишишлари олиб боришга тайёр эмас эди ва у қадимги тарихнинг Афросиёб қалъасидек нодир ёдгорлиги (қадимги Самарқанд) ҳақида салбий тақризни тақдим этди. Кўхна ёдгорликларнинг ҳақиқий қиммати ва аҳамиятини кўрсатиб берган асосий ишлар эса Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги (ТАҲТ, 1895) В.Л. Вяткин, Е.Т. Смирнов, М.С. Андреев, Н.Г. Маллицкий, А.А. Дишаев ва бошқа энтузиастларнинг фаолияти билан боғлиқ.

Таниқли рус шарқшуноси В.В. Бартольд ўлкани ўрганиш ишқибозлари ва ҳаваскорларнинг фаолиятларини қўллаб-куватлади. Бироқ, бу асосан, мутахассис бўлмаган, ёлғиз кишиларнинг саъй-ҳаракатлари эди. Кўплаб қадимги ёдгорликлар осори-атиқалар билан савдо қилувчи савдогарлар томонидан талон-торож қилинди ва чет элларга сотиб юборилди. Кўхна обидаларнинг вайрон қилиниши кўп ҳолларда мустамлақачи маъмурият томонидан ҳам рағбатлантирилар эди. Уларнинг бу соҳадаги туттган йўли генерал-губернатор Самсоновнинг қўйидаги сўзларида ҳам яққол ўз ифодасини топган: «Россия давлатчилиги нуқтаи назаридан, ушбу қадимги обидаларнинг тезроқ бузилиб кетгани яхши бўлар эди».

XIX асрнинг иккинчи ярми - XX асрга келиб маҳаллий зиёлилардан ҳаваскор ўлкашунослар этишиб чиқа бошлади. Улар ўз маданияти ёдгорликларининг катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақидаги фояга тобора катта ишонч билан қараб, уни сақлаш ва оммалаштириш ишига бутун куч-файратларини сарфладилар.

Мана шундай кишилар сирасидан Акром Асқаров, Мирза Бухорий, Абдураҳмон, Абу Саид маҳзум, Сатторхон Абдулғаффоров каби айрим зиёлилар фақат кўхна ёдгорликлар, шу жумладан, тангаларни тўплаш билан чекланмасдан Россия империясининг илмий ҳаётида ҳам ўзига хос тарзда иштирок этдилар.

Масалан Сатторхон Россиянинг кўзга кўринган шарқшуносларининг (В.П. Васильев, В.В. Григорьев, В.Л. Розен, П.И. Лерх ва ҳоказо) ташаббуси билан 1876 йилда Петербургда бўлиб ўтган шарқшуносларнинг III халқаро съездига таклиф этилган Туркистон делегациясига раҳбарлик қилди¹. Акром Асқаров «археология фани ютуқларига кўмак берганлиги» учун рус археология жамиятининг кумуш медали билан тақдирланди.

Туркистон ўлкасининг мустамлакачи маъмурияти «бегона халқлар вакилларининг давлат хизматида юқори ўринларни эгаллашга ҳар томонлама тўсқинлик кўрсатаётган бир пайтда, фан, Сатторхон қайд этиб ўтганидек, «турли диндаги, турли элатларга мансуб кишиларни яқинлаштириди».

Қадимги маданият ёдгорликларини тадқиқ этиш ва муҳофаза қилишда янги босқич XX асрнинг 20-йилларидан бошланди. Мана шу даврда совет ҳокимиyati томонидан ўtkazilgan миллий чегаралаш натижасида тузилган Ўрта Осиё республикалари ҳудудида бир қатор археологик ишлар амалга оширилди. Улар жумласидан, самарқандлик маҳаллий ҳаваскор ўлкашунос, шарқ қўлъёзмаларининг билимдони В.Л. Вяткин олиб борган қазиш ишларини айтиб ўтиш мумкин. У ўз археологик изланишларини XX асрнинг бошларида Афросиёб қалъасида (қадимги Самарқанд) бошлаган эди. Бу қазишларни у 1925, 1929-1930 йилларда давом эттиради.

1925-1928 йилларда М.Е. Массон Оҳангарон водийсида биринчи археологик маршрутларни ҳамда Тўйтепа яқинида қазишмаларни, кейинчалик эса Термиз атрофидаги Айритом қалъасидаги қазишмаларни амалга ошириди. 1934 йилда А.Ю. Якубовский бошчилигига Зарафшон экспедицияси ташкил этилди. Унда ўз-ўзидан етишган археолог Турди Мирфиёсов фаол иштирок этди, сўнгра у республика тарих музейида археология бўлимини ташкил қилди. Бироқ, 30-йилларнинг ўрталарига қадар ҳали эндигина туғилиб келаётган қадимшунослик фанида тарихий жараёнларнинг санасини белгилаш масалаларида идеалистик тасаввурлар ҳукмронлик қиласар, топилмаларга ҳам ашёвий нуқтаи на зардан ёндошилар эди.

¹ Лунин Б. В. Совет из прошлого // Звезда Востока 1990. №6. С. 125-134.

Фақат, 1935 йилдан бошлаб Ўрта Осиё археологияси ривожланишида чинакам илмий юксалиш бошланди ва у энг аввало тадқиқотлар олиб борилаётган ҳудудлардаги ишлар миқёсини кенгайишида, кўйиляётган вазифаларнинг улканлиги ва эришилган натижаларнинг салмоқли эканлигига ўз ифодасини топди². Энг асосийси, тадқиқотлар сифат жиҳатдан янада юксак савияга кўтарилиди ва ўз моҳиятига қўра, ўлкашунослик доирасидан чиқиб, мультидисциплинар мажмууавий экспедицияларни ташкил этиш томон қўйилган қадам бўлди.

1936 йилда С.П. Толстовнинг Я. Ф. Гуломов фаол иштирок этган Хоразм экспедициясининг кенг миқёсдаги ишлари аста-секин фан оламига қадимги Хоразмнинг дехқонлари ва кўчманчиларининг ҳайратомуз цивилизациясини очиб берди. М.Е. Массон бошчилигидаги Термиз археологик мажмууавий экспедицияси (ТАМЭ 1938-1940) Ўзбекистон жанубидаги катта ҳудудни қамраб олди ва палеолит давридан то ўрта асрларгача бўлган даврга мансуб янги ёдгорликларни аниқлади. Биринчи марта тош аспи одами ҳаётининг излари топилди. А.П. Окладников Тешиктош форидан неандертал одамнинг жасадини топди.

ТАМЭ томонидан олиб борилган ишлар юксак ривожланган санъатта ва шаҳар қуриш анъаналарига эга бўлган қадимги Бақтрияниң эллинлашган маданияти устидаги пардани очиб берди. Моддий маданият ва санъатнинг ноёб ёдгорликлари милоднинг I-II асрларига мансуб Айритом ҳайкалтарошлик фризидир. XII асрга мансуб Термиз ҳукмдорлари саройининг харобаси топилди. Турли даврларга мансуб ашёвий материалларнинг бутун мажмуаси Ўрта Осиё тарихини антик даврдан бошлаб даврлаштириши имконини берди. Гарчи, даврлаштириш гўё Ўрта Осиёда қулдорлик формациясининг очилиши билан боғлиқ равишда марксистик формацияли схемага асосланган бўлса-да, унда биринчи марта тарихнинг энг қадимги босқичлари ўз аксини топди. Археология ва санъат тарихининг ривожланишида В.А. Шишкин томонидан Варахша қалъасидаги сарой харобаларида олиб борилган қазишлар (1937-1939) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ерда биринчи марта асрлар давомида унутилиб кетган деворий тасвиirlар санъати намуналари топилди. Уларда сўғдликларнинг араб истилосидан олдинги ҳаётидан олинган реал кўринишлар ва мифологияга оид тасвиirlар акс эттирилган эди. Уларнинг очилиши мазкур санъатнинг кейинчалик Ўзбекистоннинг кўплаб минтақаларида топилган намуналарнинг дастлаб-

² Массон М. Е. Краткий очерк изучения Средней Азии в археологическом отношении // Труды САГУ. Исторические науки. Кн. 12. Археология Средней Азии. Ташкент. 1956, С.28.

киси бўлди. Йирик ирригация обьектлари – катта Фарғона канали (М.Е. Массон, Я.Ф. Фуломов, В.Д. Жуков ва бошқалар - 1939), Тошкент канали (А.И. Тереноткин, М.Э. Воронец - 1940), Каттакўрғон сув омбори (В.А. Шишкін ва А. Сухарев - 1940) қурилиши давомида олиб борилган археологик кузатишлар туфайли қимматли натижалар қўлга кириллди Г.В. Григорьев томонидан Сирдарё бўйи минтақаси ва Келес чўлини тадқиқ этиш натижасида ҳам муҳим хуносалар олинди. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида йирик мажмууявий экспедициялар фаолияти деярли тўхтаб қолди, аммо археологик ишлар давом эттирилди. 1942 йилда Я.Ф. Фуломов, М.М. Герасимов Шимолий Тошкент канали қурилишида археологик кузатишлар олиб бордилар. В.А. Шишкін ва В.А. Нильсен Бухоро воҳасида қазишишларини амалга оширилдилар.

Биз бу ўринда фақат Ўрта Осиё тарихини қадимги Шарқ маданиятидан ажralмас эканлигини биринчи марта кўрсатиб бериб қолмай, балки бу минтақа ҳудуди унинг қолюқ периферияси эмаслигини, ёрқин ўзига хосликка эга эканлигини кўрсатиб берган асосий тадқиқотларни қайд этдик.

Уруш йилларида Ўрта Осиё археологиясининг кўплаб масалалари ни ёритиб беришда Москва, Ленинград ва бошқа илмий марказлардан эвакуация қилинган таниқли олимлар иштирок этдилар. Бу даврда Тошкентда С.П. Толстов докторлик диссертациясини, Я.Ф. Фуломов ва В.А. Шишкін номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилдилар. Шундай қилиб, Тарих ва археология институти ташкил этилгунга қадар Ўзбекистонда археологиянинг мазкур институт даргоҳида асосий илмий йўналишлардан бири сифатидаги ўрнини олдиндан белгилаб берган улкан археологик материал, дала тадқиқотлари тажрибаси тўпланган эди. 1930-1940 йиллардаги экспедициялар таркибида археология соҳаси олимларининг асосий ўзаги шаклланди, тадқиқотлар методикаси сайқаллашибтирилди. Биринчи мутахассисларнинг ушбу туркуми гарчи, уруш йилларида бир қатор мутахассисларни йўқотган бўлса-да (Т.В. Григорьев, И.А. Сухарев), кейинчалик, 40-йилларда пайдо бўлган ва республикадаги археологик изланишларнинг асосий оғирлигини ўз зиммасига олган илмий тадқиқот муассасаларнинг таянчи бўлди. 1940 йилда Ўрта Осиё давлат университетида археология кафедраси ташкил этилди ва унга М.Е. Массон раҳбарлик қилди. Унинг вазифаси янги археолог кадрларни етиштиришдан иборат эди. Зеро, катта экспедицияларни ташкил этишида бундай мутахассисларнинг етишмаслиги, айниқса, яққол сезилиб қолган эди. Кафедранинг Л.И. Альбаум, З. Илҳомова, В.А. Левина-Булатова, О.В. Обельченко сингари битирувчилари республика-нинг шаклланиб бўлган тадқиқотчилари сафини тўлдирдилар.

1943 йилда ягона фан марказининг тузилиши билан методик ёндошувлар ва кадрлар танлашда чинакам сифат ўзгаришлари бошланди. Бу фан маркази Ўзбекистон Фанлар академияси эди. Шу пайтдан бошлаб, республиканинг ёш Фанлар академияси Ўзбекистоннинг илмий-назарий муаммоларини ишлаб чиқишида, йирик мажмууавий экспедицияларни ташкил этишда етакчи роль ўйнай бошлади. Ўша йилнинг ўзида унинг таркибида Тарих ва археология институти ташкил этилди. Унинг икки бўлинмаси - Я.Ф. Гуломов бошчилик қылган қадимги ва ўрга асрлар тарихи бўлими ва шу бўлим таркибига кирувчи, В.А. Шишкун раҳбарлик қилаётган археология сектори республикада кенг миқёсли археологик тадқиқотларни ташкил этдилар ҳамда моддий маданиятни ўрганиш учун ёш мутахассис кадрлар етиштириш борасидаги ишларни амалга оширидилар.

Яҳё Гуломович Гуломов биринчи мутахассис археолог бўлиб, унинг илмий фаолияти 1933 йилда Ўзбекистон қадимият ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш қўмитасида бошланган эди. Сўнгра у СССР Фанлар академиясининг Ўзбекистон филиалида бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. 1956 йилда Я.Ф. Гуломов Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, 1966 йилда эса ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Тарих ва археология институтининг бўлим бошлиғи лавозимида у умрининг охирiga қадар (1977) ишлади. Республикада археология соҳасидаги барча ташабbusлар, экспедицияларда ва разведкаларда иштирок этишлар унинг номи билан боғлиқ. Институтда у иккита асосий илмий йўналишга раҳбарлик қилди: 1. Тош асри ва бронза даври маданиятларини ўрганиш 2. Ўрганишга ирригация ва дәжончилик тарихини ўрганиш. Бу соҳага у ўзининг беқиёс улкан шахсий ҳиссасини қўшди. Унинг қадимги ирригацияни ва ердан фойдаланишни ўрганиши соҳасидаги тадқиқотларининг натижалари, Зарабшон, Қашқадарё каби қадимги сув манбаларининг режимини тадқиқот этишга оид хуносалари «ўз қимматига кўра тенги бўлмаган, асос солувчи» натижалар сифатида баҳоланди³.

Василий Афанасьевич Шишкун маълумотига кўра шарқшунос, ўз илмий фаолиятини 1926 йилда Ўрганишга ирригацияни ва ердан фойдаланишни ўрганиши соҳасидаги тадқиқотларни тадқиқотлари билан бирга қўшиб олиб борган ҳолда фаолият кўрсатди (Бухоро ва Қашқадарё вилоятла-

³ Лунин Б. В. Яхъя Гулямов. Ташкент, 1976, С. 6.

рида, Фарғона водийсида). 1934 йилдан бошлаб у йирик илмий экспедицияларда (Зарафшон, Термиз, Пойкент) ва Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасидаги Темур ва темурийлар қабрларини ўрганишда иштирок этди (1941). Варахшадаги алебастрандан ясалган ҳайкални ва деворий тасвирларни топғанлиги унга шуҳрат келтириди (1937). Институт ташкил этилгандан сўнг В.А. Шишкун у ерда катта илмий ходим сифатида ўз фаолиятини бошлади ва умрининг охирига қадар (1966) сектор бошлифи бўлди. 1966 йил феврал ойида у Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси этиб сайланди⁴.

Тарих ва археология институтида олим қадимги шаҳарлар, қишлоқ манзиллари ва қадимги ҳамда ўрта аср даврига оид мақбараларни ўрганиш ишига раҳбарлик қилди.

Я.Ф. Фуломов ва В.А. Шишкун бошчилигига Ўзбекистон археология экспедициясининг кўп сонли отрядлари Зарафшоннинг қўйи оқимида, Самарқанд минтақасида, Фарғона водийсида ва Тошкент воҳасида, шунингдек, янги ўзлаштирилаётган ерларда, ирригация қурилишлари зоналарида, Чимқўрғон, Жанубий Сурхон ва Туюбўғиз сув омборлари, Чорвоқ ГЭСи қурилишида, Аму-Бухоро ва Аму-Қарши каналлари, кейинчалик эса Марказий Фарғона канали трассасида дала ишларини олиб бордилар⁵.

Йилдан-йилга институт археолог тадқиқотчилари олдига улкан вазифалар, шу жумладан, ибтидоий жамият, антик ва ўрта асрлар даврларига оид ёдгорликларни, қадимги ирригация иншоотларини, шаҳарлар ва қишлоқ манзилгоҳлари тарихини ўрганиш вазифалари қўйила бошланди.

Дастлабки пайтларда хусусан, 50-йилларда тош асри ва бронза даврини ўрганиш муаммоси қўйилди. Бу вақтга келиб, ибтидоий одамнинг Тешиктош, Омонқўтон форлари сингари бир қатор манзиллари топилган ва улар Ўзбекистон тупроғининг инсоният аждодларининг бешиги бўлганлигини, илмий изланишлар учун муҳим аҳамият касб этишини яққол кўрсатган эди. Бироқ, айни пайтда ана шу узоқ ўтмиш даврни тадқиқ этиш учун мутахассис кадрларнинг этишмаслиги ҳам сезилди. Я.Ф. Фуломовнинг ташаббуси билан институтнинг бир гуруҳ аспирантлари собиқ Иттифоқнинг марказий шаҳарларида (асосан Ленинградда) тош ва бронза даврининг тадқиқотчилари бўлган йирик олимлар раҳбарлигига маҳсус тайёргарликдан ўтди. Натижада институт илмий жа-

⁴ Его же. О деятельности общественных наук Узбекистана. Т.П. Ташкент, 1977, С. 305.

⁵ Гулямов Я.Г., Мухамеджанов А.Р. Достижения советской археологии в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. 1967. №11. С. 46.

моасига ёш мутахассислар оқими келиб қўшилди (У.И. Исломов, М.Р. Қосимов, Р.Х. Сулаймонов, Т. Мирсоатов, С. Раҳимов, А.Асқаров, шунингдек, нумизмат ва шарқшунослар М. Исҳоқов ва Т. Ерназарова). Энг қадимги ҳаёт изларини қидиришга қаратилган мунтазам изланишлар натижасида республика ҳудудида тош асири одамнинг форлардаги ва очиқ ерлардаги бир қатор манзиллари топилди. Улар орасида Бўзсуздаги (Тошкент атрофида) палеолит даврига оид манзил, Чирчиқнинг юқори оқимидағи Хўжакент ва Обираҳмат форлари, Оҳангарон водийсидаги кўп қатламли Кўлбулоқ манзили бор эди. Уларни тадқиқ этиш (Р.Х. Сулаймонов, М. Р. Қосимов) шуни кўрсатдики, Ўзбекистоннинг тоғли туманларида қуий палеолит давридаёқ, яъни бундан 700-600 минг йил илгари ибтидоий овчилар ва термачилар яшаган ва бу ҳудуд одамнинг жисмоний ривожланишининг илк босқичидаги яшаш зонасига – бепоён Евроосиё зonasи таркибиغا кирган.

Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий маданиятлар эволюциясининг узлуксизлиги борасида Жанубий Фарғона форларидағи, Сурхондарёдаги Мачай, Обишири, Тошкентдаги Кўшилиш сингари ўрта, юқори палеолит ва мезолит даврларига мансуб манзилгоҳларнинг очилиши ва ўрганилиши гувоҳлик беради (У.И. Исломов). Шунингдек, тош асрига мансуб чақмоқтош устахоналари ва ибтидоий санъатнинг кўплаб намуналари ҳам топилди. Зараутсой, Такетош, Поронгурсой, Сармиш дараларида тадқиқотчилар кўз олдида ноёб «расмлар галереяси» намоён бўлди. Уларнинг ўрганилиши туфайли Ўзбекистонда археология фанининг мустақил йўналиши қоятошлардаги ибтидоий тасвирий санъат муаммосини тадқиқ этишга асос солинди (Ж. Кабиров, сўнгра М. Хўжаназаров). Институт археологларининг тадқиқотлари натижасида тошдан металлга ўтиш даври ёритиб берилди (макони Сурхондарё, Самарқанд, Фарғона, Тошкент вилоятларида). Сурхондарёда энеолит қатламларини тадқиқ этиш шуни кўрсатдики, янги тош асрининг бошига келиб одам Ўрта Осиёда табиат маҳсулотларини ўзлаштиришдан (овчилик, термачиликдан) табиат оламига фаол таъсир кўрсатишига ўта бошлаган. Бу ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва ёвойи ўсимликларни маданийлаштириш орқали содир бўлган ҳамда бунда жанубий минтақадаги ибтидоий жамоалар устуворликка эга бўлган. Институтда олиб борилган тош асири ёдгорикларига оид тадқиқотлар Ўзбекистонда ибтидоий жамият тарихини тиклаш ва уни даврлаштириш учун пойдевор яратиб берди.

50-60-йилларда бронза даври ёдгорикларини қидириб топиш ва ўрганиш ишлари анча олға силжиди. Зарафшон водийси ва Қашқадарёда чўл бронза даври қабилаларининг кўплаб манзиллари (Андронов-

Тазабоғёб маданияти, милодгача бўлган II асрнинг иккинчи ярми - I аср бошлари) топилди. Мана шу даврга мансуб қабрлар ва манзилгоҳлар Фарғона вилоятида ҳам аниқланди. Ушбу даврда яшаган қабила-ларнинг ҳёти ва маданиятини тавсифлашда Я.Ф.Уломовнинг А. Аскаров ва Ў.Исломов томонидан топилган қабрдаги тадқиқотлари, кейин-чалик Бухоро вилоятининг Фарбий қисмидаги Моҳондарё манзилида-ги изланишлари муҳим аҳамият касб этди. Уларнинг тадқиқотлари қадимги дәҳқонлар ва чорвадорларнинг «Замонбобо маданияти» деб аталган мустақил археологик маданиятини кўрсатиб берди. Ушбу из-ланишлар аралаш чорвачилик - дәҳқончилик ҳўжалиги ривожланган адирлар зонасида ҳамда воҳаларнинг чеккаларида, шунингдек, қадим-да сув босган ерларда яшовчи аҳолининг ҳёти, маданий қиёфаси ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини берди. Бироқ, ушбу зона аҳоли-си Ўрта Осиёнинг жанубида яшовчи қабилаларга хос бўлган қурувчи-лик ва фортификация кўнгилмаларини етарли даражада эгалламаган эди.

60-йилларда ёки Сурхондарёда (Шимолий Бақтрия) бронза даврининг янги ёдгорликлари - Сополлитепа (Л.И.Альбаум) ва сўнгра Жарқўтон топилди. Ўша пайтда ёки уларни ўрганиш бошланди (А. Аскаров) ва тад-қиқотлар фанга қадимги дәҳқонлар ҳамда шаҳар қурувчиларнинг юк-сак ривожланган ҳайратомуз цивилизациясини очиб берди. Сўнгра маъ-лум бўлишича, бу цивилизация қасрлар, ибодатхоналар, ривожланган фортификация ва ҳунармандчиликка эга бўлган бепоён Бақтрия-Мар-ғиёна цивилизацияси таркибига кирган. Унинг аҳолиси жанубда Месо-потамия ва Ҳиндистондаги марказлар билан ва шимолда дашт чорва-дорлари (Андронов маданияти вакиллари) маданияти зонаси билан қалин савдо алоқаларини олиб борган⁶. Бу кашфиётлар ва 1970 йилда ташкил этилган Археология институти доирасида давом эттирилган тадқиқотлар ўша пайтда ёки Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларини қадим-ги шаҳар типидаги юксак ривожланган цивилизациянинг бепоён ареа-лига киритиш мумкинлиги ҳақидаги фикрга асос бўлди. Ана шу вақтда жанубий воҳаларга чўл бронза маданияти вакилларининг кириб келиш манзаралари намоён бўла бошладики, бу ҳол Ўрта Осиё минтақасида қадимги цивилизацияларнинг умумий қиёфасининг шаклланишида миграция жараёнларининг ролини акс эттирас эди. Бироқ, совет фани-да қабул қилинган ривожланишнинг соф автохтонлиги ҳақидаги қотиб қолган концепция Ўзбекистон археологларига ҳам ўз таъсирини ўтказ-ди. Ўзбекистон ҳудудидаги маданиятларнинг таркиб топишига оид бир

⁶ Аскаров А.А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент, 1973.

ёклама қарашларни юзага келтирди. Ҳолбуки, у ўзининг географик мавқеи, ўргада жойлашганлиги туфайли қабилалар ва маданиятлар ўзаро таъсир майдони бўлиб қолган эди.

Институт археологлари томонидан шаҳарлар, қишлоқ манзиллари, ўтроқ аҳолининг некрополлари ва кўчманчиларнинг қабрларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилди. Варажша арки ва қасри жойлашган ерда қазиш ишлари давом эттирилди (В.А.Шишкин, В.А. Нильсен). Шимолий Бақтрия қишлоқларидағи қасрларда олиб борилган қазиш ишлари пайтида ҳам янги деворий тасвирлар топилди (Л.И.Альбаум). Жанубий Сўғд қишлоқларидағи уй-жойларни С.К. Кабанов тадқиқ этди. Институт ташкил этилгандан сўнг қадимги шаҳарларнинг вужудга келиш жараёнини янги, режали асосда ўрганиш йўлга қўйилди. Афросиёб, Ахсикент, Қува, Тошкентни ўрганиш диққат марказида турди. Афросиёб қўрғонидаги қадимги Самарқандни ўрганишга алоҳида эътибор берилди ва бу ҳол 1945 йилда маҳсус Самарқанд археология базасининг ташкил этилишида ўз аксини топди. (А.И.Тереножкин, кейин эса В.Д. Жуков)⁷. 1958 йилда Афросиёб отряди (раҳбари В.А. Шишкин, сўнгра Я.Ф.Гуломов) тузилиши билан қатъадаги ишлар кенг авж олдирилди. Ишда асосий диққат-эътибор мудофаа деворларини, ирригацияни, шаҳар даҳаларини, ҳунармадчилик маҳсулотларини ўрганишга қаратилди. Илк ўрта асрға мансуб аслзодаларнинг деворларида ажойиб сюжетли тасвирлар сақланиб қолган сарой иморатлари мавжуд мавзеларнинг топилиши тадқиқотларнинг энг катта ютуғи бўлди, ушбу топилмалар дунё санъатининг ноёб коллекцияси сирасига киритилди.

Институтда археологик материалларни кимёвий тадқиқ қилиш ва консервациялаш лабораторияси яратилди (раҳ. Н.С.Гражданкина, кейинчалик А.А.Абдуразоқов). Ходимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қадимги санъатнинг ажойиб намуналари, рўзгор буюмлари, сопол буюмлар фан учун сақлаб қолинди, Афросиёбдаги деворий тасвирлар ва бошقا ёдгорликлар вақт ўтиши билан бузилишининг олди олинди.

Институт археологик отрядларининг ишлари шуни кўрсатдики, милоддан аввал VI-V асрларда ёк ўзбекистон ҳудудида турли-туман аҳолига эга бўлган йирик шаҳарлар-ҳунармандчилик, савдо, маданият марказлари мавжуд эди. Антик даврда ва илк ўрта асрларда бу ерда зардўшийлик, христианлик, будда динларига эътиқод қилганлар. Жумладан, Фарғона водийсидаги Қува қўрғонида лойдан ишланган ҳайкалга эга бўлган будда ибодатхонаси топилди (В.А.Булатова).

⁷ Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Афрасиаб. Вып. 1, Ташкент, 1969. С. 123.

Кўчманчи аҳоли археологиясини ўрганишда ҳам салмоқли натижаларга эришилди (Зарафшон водийси - О.В. Обельченко, Тошкент воҳаси - Т. Аъзамхўжаев). Улар антик даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам ўтроқ дехқонлар ва шаҳар аҳолисининг кўчманчи чорвадорлар билан ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсири Ўзбекистон ҳудудидаги тарихий жараённинг моҳиятини белгилаб берганлигини кўрсатди.

Институт археологлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири Ўзбекистонда ибтидоий ирригациядан бошлаб то X асрда қурилган Хонбанди, (Сирдарё вилояти), XII асрда бунёд этилган Фиштбанди, XVI асрда қурилган Абдуллахон банди (Самарқанд вилояти – Я.Ф.Гуломов, А.Р. Муҳаммаджонов, Тошкент вилояти ирригацияси - F.Дадабоев) сингари қудратли гидротехника иншоотларига қадар суғориш тарихини ўрганиш бўлди.

Мазкур иншоотларни ўрганишнинг атроф-муҳитни ва археологик контекстни тадқиқ қилиш билан бирга қўшиб олиб борилиши суғориш иншоотлари режимидаги ўзгаришларга, бир вақтлар ҳаёт қайнаган воҳаларнинг чўлга айланишига, гуллаб-яшнаган цивилизацияларнинг ҳалокатига ва одамларнинг ҳаёти учун қулай шароитларни қидириб янги жойларга кўчишга сабаб бўлган жараёнларда инсон омилиниң ва сиёсий воқеаларнинг ҳал қилувчи ролини кўрсатиб берди. Ушбу тадқиқотлар давомида кейинчалик экология билан инсон цивилизацияси ўтрасидаги ўзаро таъсирининг табиати хусусида хуносалар чиқариш учун ишончли асос бўлиб хизмат қиласидаган қимматли далиллар тўпланди. У босқичда ҳали турли тарихий даврларда этносларнинг кўчиб ўтишлари ва Ўрта Осиё этнокартасининг ўзгаришига олиб келувчи табиат ўзгаришларининг роли ҳақида ҳам инсоннинг экологияяга кўрсатаётган ҳалокатли таъсири ҳақида ҳам яъни, ҳозирги пайтда тобора долзарб бўлиб бораётган муаммо ҳақида қатъий хуносалар чиқарилмаган эди. Аксинча, қадимги ирригацияни тадқиқ этган олимлар ўша пайтда қадимда суғоришда ерларни халқ хўжалиги учун ўзлаштириш кадастрига киритиш, яъни замонавий техника воситалари ёрдамида уларга қайтадан жон баҳш этиш мумкин, деб ҳисоблар эдилар. Мирзачўлни ўзлаштириш тупроқнинг шўрланишига ва Орол муаммосининг кескинлашувига олиб келган оғир оқибатлари инсон ва экология ўзаро муносабатларининг нақадар мураккаб эканлигини кўрсатди.

Тарих ва археология институти ва бошқа илмий муассасалар археологларининг фаолиятига назар солар эканмиз, шуни қайд этиш зарурки, археология фан сифатида, кўп жиҳатдан, айнан мана шу институт даргоҳида шаклланди. Бу давр йирик кашфиётлар, Ўзбекистоннинг бар-

ча тарихий-маданий минтақаларида энг қадимги замонлардан сўнгти ўрта асрларгача бўлган даврни қамраб олган фаол, бир мақсадга йўналтирилган ҳолда материаллар тўплаш, қазишмалар олиб бориш даври эди. Ўша даврда институт томонидан археологларнинг бир қатор фундаментал тадқиқотлари, жумладан, Я.Ф.Гуломовнинг «Хоразмда суғориши ишлари тарихи» (энг қадимги даврлардан бугунга қадар) В.А. Шишкуннинг «Варахша»; Я.Ф.Гуломов, Ў.И.Исломов, А.А.Аскаровларнинг «Зарафшоннинг қўйи оқимида ибтидоий маданият ва суғорма дәҳқончиликнинг пайдо бўлиши»; В.А. Нильсеннинг «Ўрта Осиё феодал архитектурасининг вужудга келиши» (V-VII асрлар) каби монографиялари нашр этилди. Археологик тадқиқотларнинг натижалари институтнинг «Ўзбекистоннинг моддий маданияти тарихи» номли маҳсус нашрида ўз аксини топди, «Афросиёб» даврий тўплами ташкил қилинди. «ЎзССР ФА Тарих ва археология институтининг илмий ишлари» туркум нашрида ҳам археология мавзуларига ўрин берилди.

Институт фаолият кўрсатган дастлабки ўн йилларда археология материаллари ва фактларининг кўплиги фаннинг манбавий таъминланиши балансини кескин ўзгартириб юборди. Агар илгари ёзма манбалар биринчи ўринда турган, тарихий тадқиқотлар ана шу манбаларга суюнган бўлса, энди аҳвол археология фойдасига ўзгара бошлади. Фанлар академияси тизимида ихтисослаштирилган илмий тадқиқот муассасаси-Археология институти очилгандан сўнг археологик далиллар салоҳиятини ошириш янги куч-файрат билан давом эттирилди. Бу муассаса 1970 йилда Тарих, археология институтидан ажralиб чиқди ва унинг Самарқандаги археология сектори негизида ташкил этилди. Гарчи, ҳозирча археологлар томонидан тўпланган илмий далиллар ва хуносаларнинг тарихчилар томонидан ўзлаштирилиши суст бораётган бўлса-да, биргаликда олиб борилган тадқиқотлар фақат манбавий базага эмас, балки тарих фанига ҳам кўп янгиликларни олиб кирди.

Ҳозирги пайтда археология қисман яна Тарих институти даргожига қайтди. Бугунги кунда республикада «археологик далиллар сармоясини» тўплашнинг илк босқичи босиб ўтилди, деб айтиш мумкин бўлган пайтда, республиканинг барча тарихий-маданий минтақаларида моддий маданиятнинг ривожланиши ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Ушбу далиллар, умуман олганда етарли бўлмаган, ёзма манбаларни тўлдирибгина қолмай, балки ўрни келганда уларни изоҳлаб ҳам беради. Археология тарихий маълумотларнинг ишончли манбаси, археологлар эса республика тарихини қайта яратишнинг зарур иштирокчилари сифатидаги роли ЎзР Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 1998 йил 27 июлдаги «ЎзР ФА Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорида ўз аксини топди. Мазкур қарор асосида Тарих институтида «Моддий маданият тарихи» бўлими ташкил этилди. Эндиликда археология фани Тарих институтида ҳам, Археология институти даргоҳида ҳам ўзининг тарихий фан сифатидаги хусусиятларини тўла намоён этадиган вақти келди. Бугунги кунда тарих фанининг энг долзарб муаммоларини ҳал этишни, шу жумладан, ўзбек ҳалқи ва унинг давлатчилиги тарихини объектив ёритиб беришни археологларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ҳозир тайёрланадиган кўп жилдли «Ўзбекистон тарихи» номли тадқиқотда ҳам археологлар муаллифлар жамоасининг салмоқли қисмини ташкил этади. «Илмий нуқтаи назарга асосланган давлатчилик тарихини яратиш»да археологларга катта масъулият юкланган. Зоро, фақат археологик материалларгина ўтмишга чуқур кириб боришга бундан уч минг йил илгари Ўрта Осиёдаги буюк дарёлар воҳаларида ўтроқ дехқонларнинг жипслашуви жараёни бошланган даврда Ўзбекистон тупроғида маҳаллий давлатчиликнинг пайдо бўлишининг манбалари ва шаклларини ёритиб боришга имкон яратади. Қадимги ва ўрта асрлар тарихини яратиш археология, нумизматика, эпиграфика ва топонимика соҳасидаги ютуқлардан фойдаланмай туриб қадимги ва ўрта асрлар даври тарихини яратиш мумкин эмас. Икки жилдан иборат «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи» ана шуни ҳисобга олган ҳолда нашрга тайёрланаяти. Тарих институти томонидан 2002 йилда «Ўзбекистон давлатчилиги тарихидан лавҳалар» номли китобнинг чиқарилиши ва ундан 13 та лавҳанинг олтитаси археологлар қаламига мансуб эканлиги бунинг яққол далидидир.

Ю.Буряков, М.Филанович

АРХЕОЛОГИЧЕСКАЯ НАУКА В СТЕНАХ ИНСТИТУТА ИСТОРИИ АН РУЗ

Статья посвящена истории формирования археологической науки в Узбекистане. Она начала развиваться с XIX столетия, в период, предшествующий созданию института. Особо следует отметить работу археологов Института истории и археологии. Раскрыты основные направления исследований с 1943 г., ведущие экспедиции и их результаты, освещена деятельность видных археологов республики и научных археологических коллективов. Завершает статью перечень задач, стоящих перед археологами в настоящее время.

Y.Burykov, M.Filanovih

**ARHEOLOGICAL SCIENCE WITHIN INSTITUTE OF HISTORY
OF UZBEK AKADEMY OF SCIENCES**

The paper has focused on the history of formation in Uzbekistan of arheological science and its development within the precincts of History institute of Uzbek Academy of Sciences. Coming-into-being of this science has been traced since the arheology arose as amateur students studying of local lore and individual historians until it had been formed into an independent branch of historic knowledge with establishment of History and Arheology institute in the system of the Academy of Sciences in 1943. The authors report of the trends in arheology, its achievements and specialists in the Republic of Uzbekistan.

Р.Мукминова, Э.Каримов, Г.Аззамова

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИННИГ ЎРТА АСРЛАР ДАВРИНИ
ҮРГАНИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УНИНГ РИВОЖИ**

«Қадимги ва ўрта асрлар тарихи» бўлими Ўзбекистон Фанлар академияси билан бир вақтда ташкил топган Тарих институти таркибида шаклланди. Бўлим ташкил топган дастлабки кунлардан сўнгги вақтгача (1977 йилгача) унга машҳур тарихчи археолог академик Яҳё Фуломович Фуломов раҳбарлик қилди. Институт фаолиятининг бу дастлабки босқичида ўз даврининг таниқли олимлари З.Ш.Ражабов, А.А.Семёнов, М.С. Андреев, В.Г. Мошковалар фаол меҳнат қилдилар. Шунингдек, янги ташкил топган институтта Иккинчи Жаҳон уруши даврида Москва ва Ленинграддан Ўзбекистонга эвакуация қилинган тарихчилар А.Ю. Якубовский, И.П. Петрушевский, Н.В. Нечкина, В.В. Струве, С.В. Бахрушин, К.В. Треверлар яқиндан ёрдам бердилар. Бу борада И.П. Петрушевский, Е.В. Бунаков, К.А. Антонова, В.И. Беляев сингари олимларнинг фаолияти Тарих институти билан бевосита боғланган ҳолда давом этди.

Бўлим ташкил топган дастлабки кунлариданоқ ўрга асрлар тарихини үрганиш бўйича катта ишларни амалга оширди. Бу даврда ўзбек халқи тарихини ўзида мужассам этган ягона бир китоб яратиш кун тартибиغا қўйилди. Бу асар шу кунга қадар яратилган Ўзбекистон халқлари тарихини ёритган кўпгина тадқиқотлар натижаларини ҳамда янги фактик маълумотларни ўзида мужассамлаган бўлиши лозим эди. Ана шу ишга олимлар А.А.Семёнов, С.В.Бахрушин, В.А.Шишkin, З.Ш.Ражабов ва Ш.Н.Иноғомовлар жалб этилди. Улар институт фаолияти билан ўз илмий фаолиятларини қўшиб олиб бордилар ва унинг натижасида

«Ўзбекистон халқлари тарихи»нинг биринчи ҳамда иккинчи томлари нашр этилди¹.

Кейинчалик Ўзбекистон халқлари тарихининг янги нашри – «Ўзбекистон ССР тарихи»² чоп этилди. Бўлим ходимлари Ўзбекистон тарихи бўйича нашр этилган ушбу китобга кўпгина қўллўзма манбалар ва архив маълумотлари асосида янгича фикрларни олиб киришга ҳаракат қўлдилар.

Бўлим ходимларининг кейинги изланишлари давомида Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи бўйича мавжуд муаммолари ечимига хизмат қўлувчи катта материал тўпланди. Жумладан, айрим сиёсий воқеалар, ер мулкчилиги шакллари, (иқтоъ, илжо, тиул), солиқ атамалари (тагжой, тамға, бож, раҳдори), аҳолининг ижтимоий таркиби каби тарихий масалаларга ойдинлик киритилди.

Институтнинг дастлабки аспирантлари бўлган В. А. Нильсен ва Р.Г.Мукминова (1944 йилда қабул қилинган) ўзларининг илмий фаолиятларини институтда давом эттирилар ва кейинчалик фан докторлари, институтнинг етакчи илмий ходимлари бўлиб етишилдиар.

Институт олимлари сафи янги ва янги кадрлар билан тўлдириб борилди. Улар қаторида Т.Қодирова, М.А.Абдураимовларни эслаб ўтиш мумкин. Улар ҳам Р.Г.Мукминова каби ўз номзодлик диссертацияларини Ленинграддаги СССР Шарқшунослик институтида И.П. Петрушевский ва А.Ю.Якубовский раҳбарлиги остида ҳимоя қўлдилар. Ушбу олимлар ва уларнинг катта ёшдаги ҳамкарабалари томонидан ўрта асрлар тарихини даврлаштириш бўйича муҳим фактик материаллар тўпланди ва ушбу даврлаштиришга маълум ўзгартиришлар киритилди. Кейинчалик бўлим таркиби янги ёш ходимлар ҳисобига тўлдирилди. Бундай ходимлар жумласига А.Р. Муҳаммаджонов, Г.А.Михалёва, Э.Х.ўжаев, С.Жалилова, М.Усанова ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўрта асрлар тарихини ўрганиш борасида бўлим фаолиятининг турли даврларида ўзига хос хусусиятлар мавжуд эди. Хусусан, тахминан 60-йилларнинг охирига қадар бўлим ходимларининг асосий эътибори ўрта асрларнинг сиёсий ҳаётини ўрганишга қаратилгани билан характерланади. Жумладан, институтда тасдиқланган ва Ленинградда ҳимоя қилинган Р.Г. Мукминованинг номзодлик диссертацияси «Темурийлар ва Шайбонийлар ўртасидаги XVI аср Мовароуннаҳрдаги кураш» мавзусига бағишлиланган эди. Бўлим ходимлари М. Абдураимов ва

¹ История народов Узбекистана. т. 2. Ташкент, 1947; История народов Узбекистана. т. 1. Ташкент, 1950.

² История Узбекской ССР. т. I. Кн. I. Ташкент, 1955; История Узбекской ССР. т. I. Ташкент, 1967.

Т. Қодированинг³ тадқиқотлари ҳам ёзма манбалар маълумотлари асосида Мовароуннаҳр ва Хуросонда VII-IX аср бошларида кечган муҳим сиёсий воқеалар, деҳқонлар ҳаракатига бағишиланган эди.

Бўлим фаолиятининг навбатдаги босқичи илмий тадқиқотларнинг янги йўналишлари билан характерланади. Бу даврда бўлимда ер ва ундан фойдаланиш, агарар муносабатлар, Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги халқ ҳаракатлари қўллэзма асарлар ва ҳужжатли маълумотлар асосида атрофлича ўрганилди. Айниқса, бу илмий муаммолар ичida агарар муносабатлар, солиқ сиёсати, деҳқонларнинг категорияси ва сувдан фойдаланиш масалалари бўлим ходимларининг диққат марказида бўлди. Бўлимнинг фаолиятида юқорида қайд этиб ўтилганидек, Я.Ф. Фуломов нафақат моҳир раҳбар, балки истеъодли олим сифатида ҳам муҳим роль ўйнади. У томонидан Хоразм ҳудудидаги қадимги давлат бирлашмалари тарихи, бу қадим ҳудудда шаклланган ердан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари, сунъий сугориш тизими ва сугориш техникаси ривожининг динамикаси, мамлакатдаги уруғларнинг жойлашиши, ҳудуд иқтисодий ҳаётидаги Журжония (Кўҳна Урганч)нинг тутган ўрни каби масалалар илк бор ва комплекс равища ўрганилди.

Бўлим ходимларининг илмий изланишлари натижасида агарар муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихига бағишиланган бир қатор илмий ишлар нашр этилди. Бу асарлар муҳим фактик маълумотларга бой тадқиқотлар сифатида бутунги кунга қадар ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас⁴.

60-йилларнинг охири 70 - йиллардан бошлаб бўлим ходимларининг асосий диққат-эътибори ердан фойдаланиш ва агарар муносабатлар тарихи билан бир қаторда шаҳарлар тарихи, шаҳарлар қурилиши, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши, савдо ҳамда Ўзбекистоннинг ташқи савдо ва сиёсий алоқаларини ўрганишга қаратилди.

Олимлар бу муаммоларни қўллэзма асарлар, ҳужжатли манбалар археологик ва этнографик маълумотлар, музей экспонатларини синчиклаб ўрганиш орқали тадқиқ этишга ҳаракат қилдилар.

Бу борадаги тадқиқотларнинг натижаси сифатида қадимги ва ўрта

³ Абдураимов М.А. К истории народных движений в Бухарском ханстве в XVI-XVIII вв. Краткий обзор нарративных источников //ИАН УзССР. 1956. №4; Кадырова Т. Из истории крестьянских восстаний в Мавераннахре и Хорасане в VII-начале IX века. Ташкент, 1957.

⁴ Абдураимов М.А. Очерки аграрных отношений в Бухарском ханстве в XVI-первой половине XIX вв. Т. И. Ташкент, 1966; Т. П. Ташкент, 1970; Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. По материалам «Вакфнаме». Ташкент, 1966; Чехович О.Д. Документы к истории аграрных отношений в Бухарском ханстве. Акты феодальной собственности на землю XVI-XIX вв. Ташкент, 1954.

асрлардаги маданият марказлари бўлмиш шаҳарлар, улардаги ҳунармандчилик ва савдонинг ҳолати, бозорларнинг ўзига хос ҳусусиятлари, савдо иншоотлари, янги ҳунармандчилик устахоналарининг қурилиши, майдада ҳунармандларнинг фаолияти ва улар яратган маҳсулотларнинг олди-сотдиси, маҳаллий ва транзит савдо масалаларини ёритган рисола ва мақолалар чоп этилди.

Бу даврда Ўзбекистон Тарих институти томонидан Ўзбекистоннинг Бухоро, Самарқанд, Тошкент каби қадимги шаҳарлари тарихини акс эттирган асарлар чоп этилди⁵.

Бу асарлар муаллифлари Я.Ф.Фуломов, Т.Қодирова, Р.Г.Мукминова, А.Р.Муҳаммаджонов, Р.Н.Набиев, Ҳ.З.Зиёев сингари тарихчи олимлар эдилар.

Ушбу жамоа бўлиб яратилган тадқиқотларда янги фактик материалларга асосланган ҳолда Ўрга Осиёда шаҳарларининг ижтимоий-иқтисадий ҳаёти муаммолари кенг ёритилди. Бу даврда бўлимда фаолият кўрсатган олимларнинг илмий тадқиқотларига тўхтаб ўтадиган бўлсак, қуйидагиларни қайд этишимиз лозим:

Етакчи илмий ходимлар О.Д.Чехович ва Р.Г.Мукминова ўз асарларида турли савдо-иқтисодий ҳунармандчилик устахоналарининг муаммолари ва вақф ерлари муаммолари, ҳунармандларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, цех тузуми ва унинг давлатдаги ўрни, ҳунарманд шогирдларни ҳунармандчилик асосларига ўргатиш йўллари, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва уларни олди-сотди масалаларини ўз асарларида тадқиқ этганлар⁶.

Хусусан, Р.Г. Мукминованинг монографияларида аҳолининг турли ижтимоий қатламлари, хусусан: деҳқонлар, ер эгалари, савдогарлар ва ҳунармандлар, ҳарбийлар ва навкарлар, шоирлар ва мусиқачилар, диний уламолар, шаҳар камбағаллари ва уларнинг давлат тизимидағи тутган ўрни масалалари ҳар томонлама чуқур ўрганилган.

А.Р.Муҳаммаджонов ўз асарларида Зарафшон воҳасинининг бронза давридан то XX асргacha бўлган сунъий суғориш тизими тарихини ўрганди⁷.

Г.А. Михалёванинг тадқиқотлари эса ҳунармандчилик ишлаб чи-

⁵ История Самарканда. Т. И. Ташкент, 1969; История Ташкента. С древнейших времен до победы Февральской буржуазно-демократической революции. Ташкент, 1988; История Бухары с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1976.

⁶ Чехович О.Д. Самаркандские документы XV–нач. XVI вв; Мукминова Р.Г. Очерки по истории ремесла в Самарканде и Бухаре в XVI в. Ташкент, 1976; Мукминова Р.Г. Социальная дифференция населения городов Средней Азии конца XV–XVI в. Ташкент, 1985.

⁷ Мухамеджанов А.Р. История орошения Бухарского оазиса (С древнейших времен до начала XIX в). Ташкент, 1978.

қариши, Ўрта Осиё хонликларининг Россия билан бўлган муносабатлари ва қўшни давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатлари, пул муомаласи, савдо балансининг ҳолати ва бошқа масалаларга бағишланган эди⁸.

Академик Я.Ф.Гуломовнинг кўрсатган саъй-ҳаракатлари натижасида ўрта асрлар тарихини ўрганиш бўйича ишлар олдинга силжиди. Унинг катта ҳаракатлари билан бўлим ходимларининг сони 12 кишига етказилди ва юқори турган органларга Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи, хусусан шаҳарлар ва улардаги ҳаёт тарихини ўрганиш лозимлиги ҳар томонлама асослаб берилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, Ўзбекистоннинг ва бутун Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар ижтимоий-иқтисодий тарихини ўрганиш масштаблари анча кенгайди.

Бу даврда институтга Тошкент Давлат университети Шарқ факультетининг 5-курс талабаларидан 5 нафари практикага келди. Улардан Э.Э. Каримов ва Т.В. Рауфовлар университетни тугатгандан сўнг «Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи» бўлимига аспирантурага қабул қилинди.

Бўлимда 70-90-йилларда бир қатор номзодлик ва докторлик диссертациялари тайёрланди ва ҳимоя қилинди. Бу диссертацияларда бўлим ходимларининг асосий эътибори XV-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига қаратилди. Хусусан, О.Д. Чеховичнинг диссертацияси XV-XVI асрдаги Самарқанд ҳужжатларига қаратилган бўлса, Р.Г. Мукминованинг докторлик диссертацияси Самарқанд ва Бухородаги XVI асрда савдо ва ҳунармандчилик масалаларига қаратилди. М.М. Абрамов эса XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидағи Самарқанднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тарихи масалалари бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Э. Каримовнинг номзодлик диссертацияси XV асрда Мовароунаҳрда руҳонийларнинг тутган роли, ўрни ва ижтимоий ҳолатларига бағишиланган, 1998 йилда ҳимоя қилган докторлик диссертацияси эса сўфийлик тариқатларининг XII-XV аср Ўрта Осиё жамияти ҳаётида тутган ўрни масалаларига бағишиланди. Бўлим ходими Г.А. Агзамованинг номзодлик диссертацияси XVI-XIX асрнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиёнинг савдо марказлари ва уларни Россия билан боғлаган йўллар бўлса, докторлик диссертацияси эса XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мавжуд бўлган шаҳарлар ва шаҳарлар ҳаётига бағишиланган эди. Бўлим ходими Н.И. Ҳабибуллаев эса Ўрта Осиёда қоғоз ишлаб чиқариш тарии-

⁸ Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами через Оренбург (Вторая половина XVIII – первая половина XIX в.). Ташкент, 1982.

хи, Т.В. Рауфов эса X-XIII асрларда Мовароуннахрда ҳунармандчиллик ва савдо масаласига ўз эътиборини қаратган. М.Ю.Усанова эса IX-XII асрларда матолар ишлаб чиқариш тарихига бағишиланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди⁹.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бутун тарих фанида бўлгани каби ўрта асрлар тарихини ўрганиш соҳасида ҳам кенг имкониятлар очилди. Олдинги даврлардан фарқли ўлароқ, тарих фанидаги ғоявий қолиплар ва синфий ёндашувлардан ҳоли тадқиқотлар яратиш имконияти пайдо бўлди. Шу билан бирга тарихчиларни ўз тадқиқотлари билан жаҳон фанига яқинлашиш имконияти юзага келди.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасида барча илм-фан соҳалари шу жумладан, тарих фанини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди. Бу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июл қарорини эслатиб ўтиш мумкин. Бу қарор ЎзР Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, бу қарор нафақат институт, балки бўлим фаолиятини тубдан қайта қуришга имконияти яратди.

Қарорда кўзда тутилган асосий илмий муаммо ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишга бутун институт ва мамлакат тарихчилари сафарбар этилди, шу жумладан, бўлим ходимлари ҳам ўзбек давлатчилиги тарихи муаммолари билан чуқур ва атрофлича шуғуллана бошладилар. Турли ёзма манбалар ўзбек, форс, араб тилида битилган манбалардан олинган фактик маълумотлар асосида Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг сарчашмалари аниқланди, шу жумладан, илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалувчи ўзбек давлатчилигининг ўрта асрлардаги, айниқса, иирик давлат арбоби Амир Темур давридаги ривожини тадқиқ этган кўпгина тадқиқотлар яратилди.

⁹ Чехович О.Д. Самарканские документы XV–XVI вв. Дисс.... докт. ист. наук. Ташкент, 1970; Мукминова. Р.Г. Ремесло в Самарканде и Бухаре XVI в. Дисс.... докт. ист. наук. Ташкент, 1972; Абрамов М.М. Социально-экономическая, культурная жизнь Самарканда в XIX в. (Развитие и связи) Дисс.... докт. ист. наук. Ташкент, 1989; Каримов Э.Э. Роль, место и социальные позиции духовенства Мавераннахра в XV в. Дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 1990; Он же. Суфийские тарикаты Центральной Азии в XII–XV вв. Дисс.... докт. ист. наук. Ташкент, 1990; Агзамова Т.А. Среднеазиатские центры торговли и пути, связывавшие их с Россией (XVI – первая половина XIX в.) Дисс.... канд. ист. наук. Она же. Города и городская жизнь в Узбекистане в XVI–пер. пол. XIX вв. Дисс.... докт. ист. наук. Ташкент, 2000; Хабибуллаев Н.Н. Бумажное производство Средней Азии (период феодализма). Дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 1889; Рауфов Т.В. Ремесло и торговля Мавераннахра в X–нач. XIII вв. Дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 1991; Усанова М.Ю. История текстильного производства в Средней Азии в IX–XII вв. Дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 1989; и др.

Бу ўринда «Амир Темур жаҳон тарихида»¹⁰ номли асарни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Унда жуда жонли, асосли тарзда Амир Темур мамлакатининг тарихи, унинг мамлакатни чет эл босқинчилари ҳукмронлигидан озод қилувчи халқларнинг кураши, Амир Темур давлатининг иқтисодий ўсиши ва савдо алоқалари, халқаро алоқалар ва дипломатия, илм-фан ва маданияти ҳар томонлама очиб берилган. Ушбу китобга бўлган қизиқиш бу асарни 2001 йилда қайта нашр этишга олиб келди. Уни тайёрлашда Р.Г. Мукминова, Н. Ҳабибуллаев, Д. Обиджоновалар қатнашдилар. Д. Обиджонова томонидан Амир Темурнинг хорижда ўрганилиш масалалари кенг ёритиб берилди. Кейинчалик ушбу ходимнинг тадқиқоти номзодлик диссертацияси сифатида ҳимоя қилинди¹¹.

Ушбу йили чоп этилган яна бир йирик асар «Темур ва Улуғбек даври тарихи»¹² дир. Унда Темур ва Темурийлар даврини ўрганишга бағишиланган манбалар, бу даврни ўрганишга ҳизмат қилувчи адабиётлар, Темур образининг фольклорда акс этиши, Темур ва Улуғбекнинг таржимаи ҳоли, Улуғбек образи жаҳон адабиётида акс эттирилиши, Темур ва Улуғбек давридаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт масалалари атрофлича ёритилган.

Мустақиллик даврида бўлимда турли йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилди: «Ўрта Осиёда қофоз ишлаб чиқариш тарихи»¹³ (Н.Н.Ҳабибуллаев), Ўрта Осиёнинг савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлмиш шаҳарларнинг ташки мamlакатлар билан боғлаган карвон йўллари, шунингдек, Ўрта Осиё шаҳарлари тарихи¹⁴ (Г.А.Ағзамова), сўфийлик тариқатларининг Ўрта Осиё жамияти ҳаётида туттган ўрни мавзуси ва хусусан, Хўжа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти янги ёндашувлар асосида ўрганилди (Э.Э.Каримов). 2003 йили Э.Э.Каримовнинг «Хўжа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти» номли тадқиқоти чоп этилди¹⁵.

Мустақиллик йилларида ўзбек тарихчилари олдида турган муҳим тарихий муаммолардан бири ўзбек давлатчилиги тарихидир. Бу ўринда

¹⁰ Амир Темур жаҳон тарихида. Тошкент: Шарқ, 1996.

¹¹ Абиджанова Д. Мавераннахр эпохи правления Амира Темура в англоязычной историографии 60-90-х гг. XX в. Дисс.... канд. ист. наук. Ташкент, 2001.

¹² Темур ва Улуғбек даври тарихи. Тошкент, 1996.

¹³ Ҳабибуллаев Н.Н. Ўрта Осиёда қофоз ишлаб чиқариш тарихи (феодализм даври). Тошкент, 1992.

¹⁴ Ағзамова Г.А. Бозор - шаҳарлар кўрки // Фан ва турмуш. №3;1998. Сўнгги ўрта асрлар Ўрта Осиё шаҳарлари: умумийлик ва хусусийлик (шаҳар деворлари мисолида) // Ўзбекистон тарихи, №2. 1999.

¹⁵ Каримов Э. Хўжа Аҳрорнинг ҳаёти ва фаолияти. Тошкент: Маънавият, 2003.

шуни қайд этиш лозимки, мазкур йўналишда совет тарих фанида ҳеч қандай тадқиқотлар олиб борилмаган ва бу масала кун тартибига қўйилмаган эди. Институт илмий тадқиқотларининг асосини ташкил этган давлатчилик тарихи мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотларда бўлим ходимлари фаол иштирок этдилар. Жумладан, давлатчилик тарихи бўйича институт томонидан тайёрланган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари»¹⁶ асарида (2001) бўлим ходимларидан Р.Г. Мукминова, Г.А. Агзамова, Э.Э. Каримовларнинг илк бор тадқиқ этилган муаммо - ўрга асрлардаги ўзбек давлатчилигининг ҳолати ва тараққиётiga бағишланган қисмлари чоп этилган. Уларда Бухоро, Хива ва Қўйкон хонликларидаги давлатчилик, ушбу хонликларда ҳукмронлик қилган турли сулолалар даврида ўзбек давлатчилиги анъаналари ва уларнинг ривожланиши сўнгти ўрта асрга мансуб турли қўллэзма манбалар ва архив ҳужжатлари маълумотлари асосида янгича ёндашувлар негизида таҳлил этилган.

Мустақиллик йилларида бўлим ходимларининг ташқи хорижий давлат олимлари билан кенг алоқалар олиб бориши учун катта имкониятлар яратилди. Ана шу имкониятлар натижасида олимлар чет элларда инглиз, француз, турк, немис, итальян ва бошقا тилларда ўз тадқиқотларини чоп этишга эришдилар. Жумладан, ЮНЕСКО томонидан нашр этилаётган «Марказий Осиё цивилизациялари тарихи» номли кўп томли асарнинг муаллифлари таркибида Р.Г. Мукминова, Э.Э. Каримов, А.Р. Мұҳаммаджоновлар қатнашганлар¹⁷.

Бўлим ходимлари томонидан 1993 йилда «Ўзбекистон тарихи» нинг 3-томи нашр этилди¹⁸. Ушбу нашрда турли бирламчи манбалар ҳамда мавжуд адабиётлардаги тарихий маълумотларни ҳисобга олган ҳолда ўрта асрлар тарихининг жуда кўп масалаларини ёритишга ҳаракат қилинди. Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқларининг қадим даврлардан бошлаб то ҳозирги кунгача ўтган тарихий йўлини ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган кўп томлик асар яратиш тарихчилар олдига вазифа қилиб қўйилган эди. Лекин, маълум иқтисодий ва молиявий қийинчиликлар туфайли бу лойиҳа амалга ошмай қолди. Кўп томлик «Ўзбекистон тарихи»нинг фақатгина 3-томи нашр этилди.

¹⁶ Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Тошкент, 2001.

¹⁷ History of Civilization of Central Asia. Vol. IV (Part I). UNESCO, Paris, 2000; History of Civilization of Central Asia. Vol. IV (Part II). Unesco, Paris, 2000; History of Civilization of Central Asia. Vol. V. UNESCO, Paris, 2003.

¹⁸ История Узбекистана Т. З. Ташкент: Фан, 1993.

«Ўзбек давлатчилиги тарихи» бўлими ходимлари турли семинар ва симпозиумлар, конференцияларда фаол иштирок этмоқдалар. Уларда Ўзбекистон тарихининг турли мунозарали масалалари кенг муҳокама этилади. 1989 йили институт директорияси раҳбарлиги остида «Ўрта Осиёнинг сўнгги феодал шаҳри» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

Бўлим ходимлари шунингдек, республикада кенг ва мунтазам ўтказиладиган Я.Фуломов семинарларида фаол иштирок этдилар, уларда ўзбек давлатчилигининг вужудга келиши, шаклланиши ва тараққиёти, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар, уларнинг ўзбек давлатчилигини қуришда тутган ўрни, миллий маданиятни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари масалалари кенг муҳокама этилади.

ЎЗРФА Тарих институти олимлари, шу жумладан ўзбек давлатчилиги бўлими ходимлари Москва, Санкт-Петербург, Олмаота, Бишкек, Боку каби шаҳарларда ўтказилган конференцияларнинг фаол иштирокчилариридир. Шунингдек, Р.Г. Мукминова, Э. Каримовлар турли халқаро конференцияларда иштирок этдилар. Масалан Р. Мукминова ва Э.Каримов Канада (Торонто 1989), Германия (Бамберг 1991), Япония Токио, Киото), Туркияда (Анқара 1997), АҚШ (Блумингтон, Нью-Йорк, Лос-Анжелес, Медисон, Висконсин, Бостон), Австрия (Вена 2000) Эронда (Техрон 2001) ўтказилган конференцияларнинг иштирокчилариридир. Улар ушбу конференцияларда нафақат маъruzalар билан қатнашдилар балки турли олий ўқув юргарининг ўқитувчилари ва талабаларирига Ўзбекистон Республикасининг қадимги тарихи, ўрта асрлар тарихи, маданияти, анъаналари ҳақида маъruzalар ўқидилар.

Мустақиллик йилларида Тарих институти фаoliyatini такомиллашибдириш натижасида институт янги илмий кадрлар билан тўлдирилди. Жумладан, бўлимга магистрантлар (Х.Жабборова) ва аспирантлар Ўзбекистоннинг ўрта асрлар тарихи билан шуғулланувчи Б.Турсунов, Ш.Маҳмудов, Д.Отахонова кабилар кириб келдилар.

Ҳозирда бўлим бир нечта илмий лойиҳалар остида иш олиб бормоқда. «Ўзбекистон тарихи»нинг янги томлари тарихий география, ҳарбий иш тарихи бўйича ЎЗРФан ва технология маркази грантларини олишга эришиди.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи мавзуси ҳам дол зарб вазифа бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммо бўйича Ш. Камолиддин, Р.Г. Мукминова, F. Бобоёровлар фаол тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу йўналишда сүфд-турк муносабатлари муаммоси билан эса ф.ф.и. А. Отахўжаев шуғулланиб, шу мавзу бўйича докторлик диссертациясини тугатаяпти.

Бўлим ходимлари республикада мустақиллик йилларида амалга оширилган кўпгина тадбирларда фаол иштирок этмоқдалар, Хусусан, турли шаҳарлар юбилейлари, турли тарихий шахсларнинг юбилейларига бағишлиланган илмий конференцияларда чунончи, Хива ва Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлиланган тадбирларида бўлим ходимлари фаол иштирок этдилар. Жумладан, Р.Г. Мукминованинг Хиванинг 2500 йиллигига бағишлиланган «Хива-хонликнинг пойтахти» ва Г.А. Аззамованинг «Хиванинг хонлик пойтахтига айланиши ва унинг XVI-XIX асрлардаги ривожига оид айрим маълумотлар» мақоласи чоп этилди. Шунингдек, Бухоронинг 2500 йиллигига бағишлиланган Р.Г. Мукминованинг «Бухоро хонлик пойтахти, савдогарлар ва ҳунармандлар шаҳри» мақоласи, Г.А. Аззамованинг «Бухоронинг XVI-XIX аср биринчи ярмидаги савдо тарихига оид айрим маълумотлар» мақоласи, шунингдек, А.Р. Муҳаммаджонованинг «Бухоро шаҳри 2500 ёшда» мақоласи чоп этилди¹⁹.

Тарих институти қошида Ўзбекистон Миллий университети ва Низомий номидаги педагогика университети билан тузилган қўшма кафедрада фаолият кўрсатаётган Р.Г. Мукминова, Г.А. Аззамова, Э. Ка-римов олий ўқув юргазининг талаба ва магистрантларига Марказий Осиё шаҳарлари тарихи, маданиятшунослик ҳамда Амир Темур давридаги интеграцион жараёнлар, ислом тарихи мавзусида маҳсус курслар ўқимоқдалар.

2003 йил академик Я.Я. Фуломованинг 95 йиллик юбилейи тантанали нишонланди. Тарих институти томонидан ўтказилган ана шу тантаналарда бўлим ходимлари ҳам фаол иштирок этдилар. Шунингдек, 2003 йил 5 март куни т.ф.д. профессор Р.Г. Мукминованинг 80 йиллик юбилейига бағишлиланган Тарих институти ва бўлим томонидан «Ўзбекистон ўрта асрларда: тарих ва маданият» мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Мана шу анжуман арафасида Р.Г. Мукминова «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тарих фани, шу жумладан, «Ўзбек давлатчилигининг ўрта асрларидаги тарихи» бўлими олдида бир қатор муҳим илмий муаммолар қўйилди. Шундай муаммолардан

¹⁹ Муқминова Р.Г. Столыный град ханства Хива//Общественные науки в Узбекистане (ОНУ). 1997. № 7–8. С. 23–30; Муқминова Р.Г. Бухара – столица ханства, город купцов и искусственных мастеров//ОНУ. 1997. №9–10–11. С. 52–57; Аззамова Г.А. Бухоронинг XVI - XIX аср биринчи ярмидаги савдо тарихига оид айрим маълумотлар//ОНУ, №9–10–11. 1997. 56–63-бет; Она же. Хиванинг хонлик пойтахтига айланиши ва унинг XVI-XIX асрлардаги ривожига оид айрим маълумотлар//ОНУ, № 7–8. 1997. 84–87-бет.

бири қўлёзма асарларини ўрганиш ва улардан йифилган янги фактик маълумотлар асосида ўзбек халқининг ўрта асрлардаги этногенези ма-саласини ўрганиш муаммосидир. Бу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки бу муаммо жуда муҳимdir. Бу муаммони ўрганиш бир қанча мураккабликлар билан боғлиқдир. Қайд этиб ўтиш лозимки мавжуд ёзма манбалар, акт ҳужжатлари, асосан иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни ўзида акс эттирган бўлиб, кўп ҳолларда этник тарихнинг айrim муаммолари унда ўз аксини топмагандир.

Бугунги кунда бўлим ходимлари олдида турган муҳим масалалардан бири ўзбек давлатчилиги тарихини ўрта асрлардаги ҳолатини тадқиқ этишдан иборатдир. Ушбу тарихни ўрганиш мустақил Ўзбекистон тарихини, Ўзбекистоннинг кейинги тарихини ўрганишга имкон беради. Келгуси йилларда бўлим ходимларининг асосий диққат-эътиборлари кўп томлик «Ўзбекистон тарихи»нинг Амур Темур даврига бағишиланган З-томни, ҳамда Ўзбекистоннинг XVI асрлардан то XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни ўрганишга қаратилган 4-томни яратишга қаратиляпти.

R. Mukminova, E. Karimov, G. Agzamova

ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА В СРЕДНИЕ ВЕКА

В статье освещаются ключевые моменты истории отдела древнего и средневекового периода Института истории АН РУз со времени его образования до сегодняшних дней. Авторы статьи – свидетели ярких научных событий, связанных с историей формирования, развития Отдела древности и средневековья. Я.Гулямов, И.Муминов, О.Чехович, Р.Мукминова – пожалуй неполный перечень ярчайших страниц отдела древности и средневековья Института истории АН РУз.

R. Mukminova, E. Karimov, G. Agzamova

THE QUESTIONS OF STUDYING OF UZBEKISTAN'S MEDIEVAL HISTORY

Elucidates key moments of the department of ancient and medieval history of Institute of history of Uzbek Academy of Sciences. The article's authors, being collaborators of given department, were the witness of striking scientific events, connected with the history of establishing, development of department of ancient and medieval history. Ya. Culyamov, I.Muminov, O.Chehovich, R.Mukminova and many others compose the list of Institute of history of Uzbek Academy of Sciences.

Д.Зиёева

ТАРИХ ИНСТИТУТИ ТАДҚИҚОТЛАРИ ТИЗИМИДА МУСТАМЛАКА ВА СОВЕТ ДАВРИ ТАРИХИ МУАММОЛАРИ

1998 йилда «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида институтнинг таркибиغا ўзгартиришлар киритиш натижасида қайта ташкил этилган «Ўзбекистон мустамлака даври тарихи» бўлиммининг илмий йўналиши ва услубий ёндошув жиҳатидан ҳақли равишда икки даврга - Россия империяси мустамлакачилиги ва совет даврларига бўлинади. Совет даврида Ўзбекистоннинг Россия империяси ва совет давридаги тарихи алоҳида бўлимларда, мутлақо бошқача ёндошув асосида тадқиқ этилган. Чунки, совет даври мустамлакачилик сиёсатини давом эттирганилиги тан олинимаган. Ҳозирги кунда мазкур бўлимда ўрганилаётган муаммолар совет даврида қўйидаги бўлимларда тадқиқ этилган:

1. Ўзбекистоннинг XIX аср охири - XX аср бошидаги тарихини ўрганувчи «Янги тарих» бўлими.

2. Совет даври тарихини ўрганувчи бўлимлар. Булар: «Октябрь революцияси ва фуқаролар уруши», «Социалистик қурилиш тарихи», «Ўзбекистонда маданий қурилиши тарихи», «Ўзбекистон шаҳарлари тарихи», «Ишчилар синфи тарихи» ва «Ўзбекистонда колхозлар қурилиши тарихи» бўлимлари бўлиб, уларнинг илмий йўналиши коммунистик мафкура тамойиллари асосида ташкил этилган.

XIX аср охири - XX аср бошларидағи Ўзбекистон ҳалқлари тарихини тадқиқ этиш билан шуғуланиб келаётган «Янги тарих» бўлими ўз фаолиятини Тарих институти ташкил этилган дастлабки йиллардан ноқ бошлаган эди. Қарийб 60 йилга яқин вақт ичida мазкур давр тарихини ўрганиш бўйича катта тадқиқотлар амалга оширилди. Бу бўлимга дастлаб Е.В. Бунаков, М. Ваҳобов, 1964-1996 йилларда эса Ҳ. Зиёев раҳбарлик қилди. Ҳ. Зиёевнинг қарийб 50 йиллик илмий фаолияти шу давр тарихини ўрганишга бағишиланди.

Бўлимда ўтган давр мобайнода илмий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий кадрлар тайёрлаш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Россия империяси мустамлакачилиги давридаги тарихини ўрганиш совет даврида осон кечмади. Чунки совет империяси жуда кўп соҳаларда Россия империясининг Туркистанда олиб борган улуғ миллатчилик, мустамлакачилик

сиёсатини давом эттиар, шу сабабли бу масалаларга урғу бериш, эътибор қаратишни истамас эди. Ҳукмрон мафкура Туркистондаги империя ҳукумати сиёсатини ва ўлкада кечган жараёнларни большевиклар мафкурасига, сиёсатига мос равишда ёритишин талаб қиласар, расмий андозалардан четга чиқишга йўл бермасди. Шу сабабли бу давр тарихи билан шуғулланган олимларнинг масалани холисона, ҳаққоний ёритиш имкониятлари чекланган эди.

Шунга қарамай, мазкур бўлим олимлари Ўзбекистоннинг Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихини ўрганиш бўйича катта натижаларни қўлга киритдилар. Жумладан, собиқ совет даврида амалга оширилган изланишлар натижасида бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, бошқарув тизими, мустамлакачилик зулми ҳамда унга қарши қаратилган миллий озодлик ҳаракатлари каби масалаларга доир кўпгина архив манбалари ўрганилди ва илмий истеъмолга киритилди. Мазкур муаммолар Туркистоннинг ҳар бир вилояти мисолида тадқиқ этилди. Натижада минглаб тарихий фактлар тўпланди ва таҳлил этилиб, ўша даврда яратилган фундаментал асарлардан жой олди. Хусусан, Ўзбекистон тарихининг кўп жилдлик нашрларининг шу даврга тегишли қисми айнан шу бўлим олимлари томонидан яратилди.

Бўлим олимлари институт ташкил этилган дастлабки йиллариданоқ кўп жилдли умумлаштирилган «Ўзбекистон тарихи»нинг биринчи наширини тайёрлаш бўйича иш бошлаган эдилар. Бунда Иккинчи Жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда яшаб, ижод қилган рус олимлари – С.В. Бахрушин, А.К. Боровков, Ю.В. Готье, В.И. Пичата, Е.В. Бунаков, О.А. Сухарева, В.А. Шишгин, И.К. Додонов, Т.И. Райнова, А.К. Писарчик, В.Г. Машкова, М.В. Нечкина, А.А. Семёновлар айниқса фаол қатнашдилар¹. Чунки бу даврда республикада ҳали юқори малакали миллий илмий ходимлар этишмас эди.

Шуни тан олиш керакки, бу муаллифлар қўйилган масалаларни имкони борича холис ёритишга уринганлар. Зоро, ушбу нашрда Россия империясининг Ўрта Осиё ҳонликларини урушиб олганлиги, 1892, 1898 ва 1916 йиллардаги қўзғолонлар миллий озодлик кураши бўлганлиги холисона ёритилди. Аммо, жадидчилик ҳаракати қораланиб, нотўғри талқин этилди.

Тарих фани ниҳоятда сиёсийлаштирилган, ҳукмрон мафкура измida ва назоратида бўлган бу даврда жуда кўп масалалар, хусусан жуда

¹ История народов Узбекистана. Т. II. От образования государства шейбанидов до Великой Октябрской социалистической революции / Под редакцией С.В. Бахрушина, В.Я. Непомнича и В.А. Шишкина. Ташкент, 1947.

муҳим воқеаларнинг асл моҳиятини кўрсатиб бериш имкони бўлмади. Айниқса, 1950 йилларда тарих фанини сиёсатлаштириш авжга чиқиши натижасида тарихни сохталаштириш тобора кучайиб кетди.

Чунончи, 1958 йилда бўлиб ўтган «Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олишнинг прогрессив аҳамияти» мавзусидаги бирлашган илмий сессияда Ўрта Осиёни Россия империяси томонидан босиб олиниши нотўғри талқин этилиб, «иҳтиёрий қўшилиш» ҳақидаги уйдирма фанга зўрлик билан киритилди². Мазкур уйдирмани фош этувчи адабиётлар, манбалар мавжудлигига қарамай, ҳукмрон мафкура тўқиб чиқарган бу соҳта уйдирмани исботлаш давр талаби, давлат аҳамиятига молик масалага айлантирилди.

Ҳукмрон мафкура тазиики туфайли бу давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Кўп жилди «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг қайта ишланган иккинчи нашрида бу сиёсат ўз ифодасини топди. Иккинчи Жаҳон уруши даврида Ўзбекистонда яшаган рус олимлари томонидан яратилган «Ўзбекистон халқлари тарихи»да Россия тарихчилари тан олган ҳақиқатнинг ҳукмрон мафкура тан олмади. Улар «курушиб олиниши» иборасини «қўшиб олиниши» сўзига алмаштиришиб, амалда ўзбек халқини Ватан мустақиллиги учун олиб борган курашларни ниқоблашга ҳаракат қилдилар. 1898 йилги Андижон қўзғолони қора бўёқларга бўялиб, «реакцион ҳаракат» сифатида гавдалантирилди. Умуман айтганда «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг (I жилд, иккинчи китоб) 1956 йилги нашрида³ чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик сиёсатининг хаспўшланиб, буни ўрнига «қўшиб олинишининг прогрессив аҳамияти» ни кўрсатишга урғу берилди.

Ҳукмрон мафкура тазиикига қарамай бу давр мутахассислари ўз тадқиқотларида босиб олиш жараёнига доир маълумотларни имкон қадар халққа етказишига уриндилар. Масалан, Ҳ. Зиёевнинг «Тошкентни Россияга қўшиб олиниши» номли рисоласида генерал Черняев бошлиқ рус қўшинлари томонидан Тошкент шаҳрининг урушиб олингандилиги ҳақида тарихий далиллар илк бор ўз аксини топди ва ушбу тадқиқот илфор зиёлилар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди⁴.

XIX асрнинг охири XX аср бошидаги бошқа ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихини ёритиша ҳам ҳукмрон мафкуранинг салбий таъсири

² Материалы объединенной научной сессии, посвященной прогрессивному значению присоединения Средней Азии к России. Ташкент, 1959.

³ История Узбекской ССР. Т. I. Кн. вторая / Под редакции М.Вахабова, В.Непомнича и Т. Кары-Ниязова. Ташкент, 1956.

⁴ Зиёев Ҳ. Тошкентни Россияга қўшиб олиниши. Ташкент, 1967.

кучли бўлди. Чунончи, мустамлака зулмiga қарши қаратилган халқ ҳаракатлари умуман олганда миллий озодлик кураши деб баҳолансада, аслида камбағалларнинг бойларга қарши кураши, яъни синфиий кураш сифатида ёритилиб, воқеаларнинг асл мөҳиятини кўрсатишга имкон берилмади. Ҳатто, уларни бутунлай қоралашга урининг ҳолатлари ҳам бўлди. 1954 йилда бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон Республикалари ФА ҳамда СССР ФА нинг ҳамкорлигига ўтказилган илмий сессия айнан шу мақсадларда уюштирилган эди⁵. Анжуманда Россия империясига қарши ошкора кураш билан кечган халқ ҳаракатлари, чунончи 1916 йилдаги Жиззах қўзғолони «реакцион ҳаракат» сифатида қораланди. Шундан кейин 1898 йил Андижон қўзғолонини қоралаш ҳаракати бошланди.

Бироқ, бўлимда мазкур масалалар юзасидан ўтказилган илмий музнозаралардаги асосли далиллар бунга йўл қўймади. 1966 йилда миллий озодлик курашларга ва жадидлар фаолиятига бағишилаб бўлим томонидан уюштирилган илмий анжуманда 1898 йилги Андижон қўзғолони масаласида кескин тортишувлар бўлди. Пировардида бу қўзғолон Россия империясининг мустамлакачилигига қарши қаратилган том маънодаги озодлик кураши бўлганилиги ҳақида қарор қабул қилинди. Шунингдек, анжуманда жадидчилик ҳаракати ҳам муҳокама қилиниб, унинг сўл қаноти фаолиятини ижобий баҳолашга муваффақ бўлинди.

Бўлимнинг илмий фаолияти 1960-1970 йилларда «Ўзбекистон тарихи»ни рус ва ўзбек тилларидаги учинчи нашрини тайёрлашга бағишиланди. Бу нашрнинг иккинчи жилди XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Ўзбекистон тарихини ўз ичига олган эди⁶. Ҳамид Зиёевнинг масъул муҳаррирлари остида босилган бу асарни ёзишда И.Мўминов, В.Непомнин, Ҳ.Турсунов, О.Эшонов, М.Мамажонов, К.Қосимбеков, О.Сухарева, П.Ковалов, Б.Лунин, П.Зоҳидов ва бошқа муаллифлар қатнашди⁷.

Замон тақозосига кўра, бу катта ҳажмли асарда минтақани босиб олиниши «қўшиб олиниши» сарлавҳаси остида ёритилса-да, бобнинг мазмунида Тошкент шаҳри, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги Россия империяси томонидан урушиб олинганлиги акс эттирилди, бу нашрда

⁵ Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктабрьский период. Ташкент, 1955.

⁶ История Узбекской ССР. Т. II. Ташкент, 1968; Ўзбекистон ССР тарихи. II жилд. Ташкент, 1971.

⁷ История Узбекской ССР. Т. II. От присоединения Узбекских ханств к России до Великой Октябрьской революции / Под редакцией Х.Зиляева. Ташкент, 1968.

аввалги нашрдан фарқли равишда миллий озодлик ҳаракатларга ҳам муносабат ўзгариб, 1898 йилги Андижон қўзғолони ижобий баҳоланди. Шунингдек, жадидларнинг сўл қаноти вакиллари фаолияти ижобий баҳоланиб, бу ҳаракат тарихини холис ўрганишга биринчи қадам ташланди.

Бўлим 1974 йилда босилган бир жилдлик «Ўзбекистон ССР тарихи» ни ёзишда ҳам қатнашди. Унда XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларидаги тарихига бағишиланган боблар Ҳ.Зиёевнинг қаламига мансубдир⁸. Унда Россия империясининг ўлкани босиб олиш тарихи қисқа бўлса-да, холисона кўрсатилди.

Бўлимда бу даврда ҳукмрон мафкура талабларидан келиб чиқсан ҳолда Туркистондаги ишчи, дәхқон ҳаракатлари тарихига алоҳида эътибор қаратилиди. Гарчи, бу тадқиқотларда ҳукмрон мафкура таъсири яққол сезилиб турса-да, уларда ҳалқнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини ёритувчи маълумотлар илк бор илмий истеъмолга киритилди. К.З.Ҳакимова ва Л.Н.Кравецларнинг Ўзбекистонда 1917 йилдан аввалги ижтимоий-иқтисодий алоқалар ва синфий кураш тарихига доир тадқиқотлари⁹, бўлим ходимларининг Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа қўшни республикалар олимлари билан ҳамкорликда яратган «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1905-1907 йиллардаги революция» номли китоблар шулар жумласидандир¹⁰.

Шунингдек, бу даврда бўлим раҳбари Ҳ.Зиёевнинг Ўрта Осиё ҳонликларининг Россия, Сибирь билан алоқалари тарихига доир қатор қимматли асарлари яратилиб, чоп этилди. Бу тадқиқотлар Россия ва бошқа республикалардаги 25 та архив маълумотлари асосида яратилган¹¹.

Бўлим ходимлари Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Хива ва Бухоро шаҳарларининг энг қадимги даврдан бошлаб, то XX аср ўрталари гача бўйлан тарихига бағишиланган илк фундаментал асарларни тай-

⁸ Ўзбекистон ССР тарихи. Қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача. И.Мўминов таҳрири остида. Тошкент, 1974.

⁹ Ҳакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. Ташкент, 1980.

¹⁰ Революция 1905–1907 гг. в Средней Азии и Казахстане Ташкент, 1985.

¹¹ Зиёев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь (XVI-XIX асрлар). Тошкент, 1962; Ўрта Осиё ва Волга бўйлари (XVI асрнинг иккинчи ярми - XIX асрлар) Тошкент, 1965; XVIII асрда Ўрта Осиё ва Урал бўйлари. Тошкент, 1973; Сибирлик ўзбеклар (XVI аср - XX аср бошлари). Тошкент, 1958; Волга ва Урал бўйларидаги ўзбеклар (XVII-XIX асрнинг биринчи ярми) Тошкент, 1963, Экономические связи Средней Азии с Сибирию в XVI-XIX вв. Ташкент, 1983.

ёрлашда ҳам иштирок этдилар¹². Гарчи, бу асарларда маълум даражада ҳукмрон мафкура таъсири сезилиб турса-да, улар Ўзбекистоннинг қадимги шаҳарлари умумлаштирилган тарихини акс эттирувчи тадқиқотлар сифатида ўз даври учун муҳим асар бўлди.

Совет даври тарихини ўрганишга бағишиланган бўйлимларда эса Ўзбекистонда 1917-1991 йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий сиёсат, маданият тарихи, шу даврдаги шаҳарлар қурилиши каби масалалар юзасидан олиб борилган тадқиқотлар давр тақозоси билан ҳукмрон мафкура тазиёки остида амалга оширилди. Натижада бу масалалар юзасидан архив маңбаларида аниқланган катта ҳажмдаги минглаб маълумотларни холисона тадқиқ этиш имкони бўлмади. Шу туфайли совет даври тарихининг жуда кўп муҳим масалаларининг моҳияти соҳталаштирилди. Чунончи, Ўзбекистонда 1917 йилда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, унинг ўлкадаги сиёсати, маҳаллий аҳолининг совет ҳокимиятига муносабати ва унга қарши курашлари, большевикларнинг амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий тадбирлари ва уларнинг оқибатлари, маданият соҳасидаги сиёсат, колхозлаштириш тарихи каби масалалар моҳияти мутглақо нотўғри талқин этилди. Бундай ёндошув натижасида яратилган тадқиқотлар совет ҳокимияти сиёсатини улуғлаш мақсаддрага хизмат қилди. Ушбу тадқиқотларда совет давридаги муаммолар, камчиликлар хаспўшланди. «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг кўп жилди бир неча нашрларида ҳам Ўзбекистоннинг совет даври тарихи ҳақоний акс эттирилмади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, масалага бундай муносабат ҳукмрон мафкура ва давлатнинг тазиёки, талаблари асосида шаклланди.

80-йиллар охири - 90-йиллар бошидаги институтда илмий муҳит кескин ўзгариб, мунозаралар қизиб кетди. Тарихнинг турли муаммолари юзасидан совет тарихшунослигига ҳукм суриб келган қарашларга мутглақо зид фикр-мулоҳазалар илгари сурила бошланди. Айни шу даврда ошкоралик берган имкониятлардан нотўғри фойдаланишга уриниш ҳоллари ҳам содир бўлди. 1987 йилда матбуотда яна 1898 йил Андижон қўйзролонини қоралашга қаратилган мақола эълон қилинди. Шу муносабат ила бўйим ташабуси билан 1988 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида Қозористон, Қирғизистон олимлари иштирокида Туркистандаги миллӣ озодлик ҳарачатлари тарихига доир умумиттифоқ миқёсидаги илмий анжуман уюш-

¹² Самарқанд тарихи. I жилд. Тошкент. 1969; II жилд 1970; Бухоро тарихи. Тошкент. 1976; Хоразм тарихи. Тошкент. 1976; Андижон тарихи. Тошкент. 1980; Тошкент тарихи. Тошкент. 1983; Кўқон тарихи. Тошкент. 1984.

тирилди¹³. Ҳ.Зиёев томонидан қилингандан бош маърузада миллий озодлик ҳаракатлари, хусусан 1898 йил Андикон қўзғолонининг асл моҳияти мустамлакачиликка қарши кураш бўлганилиги таъкидланди. Анжуман иштирокчиларининг ўзаро фикр алмашуви натижасида Андикон қўзғолони ҳақидаги ижобий фикр фанда кўпчилик овоз билан қайта тикланди¹⁴.

1989 йилда эса совет ҳокимиятининг Туркистондаги «Янги иқтисодий сиёсати» мавзусида республика анжумани ўтказилди. Анжуманда ушбу масала юзасидан илк бор мутлақо янгича қарашлар илгари сурилиб, ушбу сиёсат Туркистондаги оғир иқтисодий бухронлар шароитида ҳалқ хўжалигини ва аҳолининг моддий аҳволини бир қадар енгилаштирган, деган хulosага келинди.

Бу даврда ошкоралик учун озгина бўлса-да, имкониятнинг яратилганлиги туфайли илгари бузиб кўрсатилган бошқа кўпгина муҳим тарихий воқеалар - Россия империясининг Ўрта Осиёга тажовузи, унинг турли соҳалардаги мустамлакачилик сиёсати ҳамда жадидчilik ҳаракати тарихи бўйича мутлақо янгича фикрлар илгари сурила бошланди.

1990 йилда бўлимнинг ташаббуси билан Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркманистон олимлари иштирокида «Туркистонни Россия томонидан босиб олиниши» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Ҳ.Зиёев томонидан қилингандан маъруза юзасидан баҳс юритилиб, Ўрта Осиёнинг Россия империясига «қўшиб олиниши» ибораси ҳақиқатга зидлиги, аслида тарихий далиллар ўлканинг босиб олингандигини исботлаши ҳақидаги фикр асослаб берилди. Анжуманда мазкур тарихий ҳақиқат барча иштирокчилар томонидан эътироф этилиб, тан олинди. Анжуман хulosалари республика илмий журнал ва матбуотида кенг тарғиб қилинди¹⁵.

Шунингдек, совет ҳокимиятининг аграр соҳада олиб борган колхозлаштириш сиёсати ҳам тарих фанлари доктори Р. Аминова томонидан қайта танқидий ўрганилиб, ўзининг холисона баҳосини олди.

1990 йилларнинг бошларига келиб, Ўзбекистон тарихининг илгари ўрганилмаган ёки бузиб кўрсатилган воқеалари тарихини ўрганишга эҳтиёж ва талабнинг ниҳоятда кучли эканлиги назарда тутилиб, инсти-

¹³ История и историография национально-освободительных движений второй половины XIX-начала XX в. в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1989.

¹⁴ О социальной сущности Андиканского восстания 1898 г. // Актуальные проблемы национально-освободительного движения в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1989.

¹⁵ Ўзбек хонликпарининг урушиб олиниши тарихига доир // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. №1, 1990; Чоризм истилоси // Шарқ юлдузи. №8, 1990; Туркистон ва чоризм истилоси // Мудоқот. №3, 1991.

тутнинг таркибий тузилиши ва йўналишига ўзгаришлар киритилди. Ҳар бир тарихий давр бўйича алоҳида илмий тадқиқот гуруҳлари тузилиб, бутун илмий салоҳият шу масалалар ечимига қаратилди. Бўлим ходимлари бу даврда «Россиянинг Туркистондаги пахта яккаҷокимлиги сиёсати» (раҳб. Ҳ. Зиёев), «Россия империясининг Туркистондаги миллий сиёсати» (раҳб. Ф. Исҳоқов), «Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатлари» (раҳб. Ҳ. Зиёев), «1917-1924 йилларда Туркистон тарихи» (раҳб. Р. Ражабова) мавзуларида иш олиб бордилар.

Бу даврда коммунистик мафкура тазиқининг бир оз бўлса-да камайиши туфайли юқорида қайд этилган мавзулар юзасидан мутлақо ўзгача фикрлар илгари сурила бошланди. Бу фикрлар илгари маҳфий сақланган маълумотлар ёки ман этилган адабиётларни ўрганиш асосида юзага келиб, тарихчилар томонидан матбуотда ҳам дадил тарғиб этила бошланди. Айниқса, Туркистонда совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши, бу ҳокимиятнинг ўлқадаги зўравонлик сиёсати, маҳаллий аҳолининг бундай сиёсатга қарши курашлари, миллий давлатчиликни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳақида аниқланган маълумотлар нафақат кенг жамоатчилик учун, балки тарихчилар учун ҳам катта ва кутилмаган янгилик бўлди.

1991 йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритилиши эса бу изланишларга янада кенг йўл очиб берди. Энг аввали коммунистик партия мафкураси ҳукмронлиги барҳам топди. Эркин фикрлаш ва сўзлаш имкони юзага келди. Тарихни ҳаққоний ва холисона ёритиш давр талабига айланди. Бу тарихчilar учун жуда катта ва чексиз имкониятлар яратди.

Бу даврда бўлимда Россия империясининг Туркистондаги пахта яккаҷокимлиги сиёсати мавзусида амалга оширилган чуқур тадқиқотлар натижасида Россия империясининг метрополиянинг иқтисодий манфатларини кўзлаган ҳолда, Туркистон қишлоқ хўжалигини пахтачиликка ихтисослаштириш, пахтани етиштирган дехқоннинг оғир меҳнати ва аянчли иқтисодий аҳволи, пахта яккаҷокимлигининг ўлка иқтисодига етказган асоратли оқибатлари илк бор жуда кенг архив манбалари асосида очиб берилди¹⁶.

Шунингдек, Туркистоннинг совет даври тарихини ўрганиш натижасида ҳам илгари номаълум бўлган маълумотлар асосида муҳим илмий қарашлар шаклланиб борди. Чунончи, совет ҳокимиятига қарши Тур-

¹⁶ Зиёев Ҳ. Ўзбекистон пахта яккаҷокимлиги учун кураш ва унинг оқибатлари (XIX аср охири - XX аср бошлари). Тошкент, 1998.

кистон халқлари олиб борган қаршилик ҳаракатига совет даврида ёпиширилган уйдирма - «босмачилик» атамаси ҳақиқатга зиддиги маълум бўлди. 1994 йилда бўлим ташаббуси билан институтда республиканинг таниқли олимлари иштирокида ўтказилган илмий анжумандаги мазкур муаммо юзасидан ниҳоятда қизиқарли маълумотлар ва фикр-мулоҳазалар билдирилди¹⁷. Бош маърузачи т.ф.д. Р.Ражабованинг бу курашнинг моҳияти ва мақсадлари ҳақида қилган маърузаси анжуман иштирокчилари томонидан маъқулланди ва қабул қилинди. Бу анжуман қарорлари асосида республикада чоп этилаётган тарихий адабиётлар ва дарслекларда ушбу ҳаракат тарихи илк бор холисона ва ҳаққоний ёритила бошланди.

Бу йилларда совет даври тарихини ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотларнинг асосий натижалари илмий оммабоп мақолалар кўринишида намоён бўлса-да, тарих фани бўйича дарслекларга жадал кириб борди. Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти зиммасида тарих фани бўйича дарслеклар тайёрлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб юклитилган эди. Россия империяси мустамлакачилиги даври тарихи бўйича т.ф.д. Ҳ.Бобобеков бошчилигига тайёрланган дарслек дастлабки йилларда ўрта таълим тизимида кенг фойдаланилган бўлса-да, кейинчалик қатор камчиликлари учун истеъмолдан чиқарилди. Совет даври бўйича Р.Ражабова ва Д.Алимова раҳбарлигига тайёрланган дарслек ҳозиргача ўрта таълим тизимида амал қилиб келинмоқда¹⁸.

Тарих фани соҳасида муҳим янгиликларнинг аниқланиши ҳамда эски услубий ёндошувлардан воз кечилиши туфайли ўзбек халқи тарихини мутлақо қайтадан кўриб чиқиши, уни янгича ёндошувлар асосида, холисона ёритиш давр талабига айланиб борди. Бу ҳолатни назарда туттган ҳолда Тарих институтида кўп жилдлик умумлаштирилган Ўзбекистон тарихини қайтадан яратиш вазифаси қўйилди. Мазкур йўналиш бўйича бўлимда олиб борилган ишларда Ўзбекистоннинг мустамлака давридаги тарихига доир янги материаллар тайёрлашга муваффақ бўлинди. Бироқ, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий қийинчиликлар шароитида уларни чоп этиши имконияти бўлмади. Совет даври бўйича яратилган тадқиқот 1999 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳомийлигига чоп этилди¹⁹.

¹⁷ Истиқлолнинг тарихий илдизлари // Шарқ юлдузи. 1-сон, 1994.

¹⁸ Ўзбекистон тарихи. 10 - синф. Тошкент, 1994, 1996.

¹⁹ Ўзбекистоннинг совет даври тарихи. Тошкент, 1999, 2001.

Мустақиллик йилларида ҳалқнинг миллий маънавиятини тиклаш ва юксалтиришда тарихнинг аҳамияти ниҳоятда катта ва бекиёс эканлиги тобора чуқур англаб борилган сари тарих фанини ривожлантиришга давлат томонидан эътибор кучайиб борди.

1998 йил 26 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашуви бу масалада давлат сиёсатини белгилаб беришда муҳим роль ўйнади. Шу учрашув натижасида республикада тарих фанини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжат қабул қилинди. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бўлиб, унда тарих фанининг назарий, илмий ва концептуал йўналишлари белгилаб берилди²⁰. Шу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг таркибий тузилиши қайтадан кўриб чиқилди. Янги тузилмага кўра «Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихи» бўлими ташкил этилди ва унга Ўзбекистоннинг нафақат Россия империяси, балки унинг давомчиси бўлган совет империяси давридаги тарихини ҳам яхлит, узвийликда ўрганиш вазифаси қўйилди. Бўлимга ёш, иқтидорли, янгича фикрлайдиган ёш олимлар жалб этилди.

1998-2002 йилларда бўлимда қўйидаги 2 йўналишда тадқиқот олиб борилди:

1. XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Туркистондаги Россия империясининг мустамлакачилик зулми, унинг асоратлари ва унга қарши кураш.

2. 1917-1924 йилларда Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар.

Биринчи йўналишда Туркистонда Россия империяси мустамлакачилигининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётга таъсири ҳамда бунинг оқибатлари тадқиқ этилди.

Бу даврда бўлимда 5 та фан доктори (Ҳ.Зиёев, Н.Абдураҳимова, Д.Зиёева, С.Аъзамхўжаев, Р.Абдуллаев), 6 та фан номзоди (О.Суюнова, Қ.Ражабов, Н.Озерова, Б.Пасилов, Г.Солижонова, А.Мингноров) ва иккичик илмий ходим (С.Тиллабоев, И.Жамолҳожи) фаолият олиб бордилар.

Биринчи йўналишда Туркистондаги ҳарбийлаштирилган сиёсий бошқарув тизими (Н.Абдураҳимова), аграр сиёсати (Ҳ.Зиёев), табиий ва моддий бойликларни ўзлаштириш сиёсати (Д.Зиёева), миллий мао-

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида. // Ҳалиқ сўзи. 1998 йил. 28 июл.

